Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халк кучдир

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ, ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ, САФАР, 6-КУН. • ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, АСАД, 15-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган 1992 ЙИЛ 6 АВГУСТ, ПАЙШАНБА, 151-СОН • 402 • НАРХИ: сотувда 2 сум.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУР ВАТАН, БОҒЛАРИНГ ГУЛГА ТЎЛСИН, ИСТИБДОД ВА ЗУЛМНИНГ БИТГАНЛИГИ РОСТ БЎЛСИН!

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

ТУРКИЯДАН—ТУРКИЯГАЧА



2. МАЪРИФИЙ ЖУМҲУРИЯТ

Аввалги мақоламизда «шамолнинг зўри» ва Президентнинг «деҳқонча зукколиги» хусусида гап бўлди-ю, аммо фикр адоғига етмади. Унинг мазмуни шу эдики, Ўзбекистон раҳбари Америка Қўшма Штатларининг Ўрта Осиё масаласида тутадиган сиёсатини айрим америкалик сиёсатчиларнинг ўзларидан ҳам олдинроқ илғаб олди.

Мухолиф биродарларимиз, муаллиф Президентга ортиқ даражада лутф этиб юбормадими, дея истеҳзо қилишларини сезиб турибмиз. Аммо уларни ранжитишга мажбурмиз: айтилган гап муболаға эмас, шунчаки эътироф, холос.

АҚШнинг минтақамиздаги «консерватив режимлар»га муносабати бу қадар тез ва кескин ўзгариши жуда кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди. Дастлабки беписандлик қизғин эътиборга айланганини қандай изоҳлаш мумкин?

АҚШ ташқи сиёсатида маълум муддат физика илмидаги «инерция» қонуни устунлик қилди, деб айтсак асло янглишмаймиз. Қўшма Штатлар «мангу» рақиби — СССР бунчалар тез парчаланиб кетишини тасаввур этмаган эди. Гарчи шу мақсад учун (беихтиёр «улуғ мақсад» деб юборгингиз келади!) неча-неча йиллар ва неча-неча миллиардлар сарф этилган эрса-да, СССР отлиғ улкан кеманинг бехос ҳалокати америкалик сиёсатчиларни шошириб қўйди.

СССРни ўрганиш ва унга қарши курашга ихтисослашган ўнлаб институтлар, илмий марказлар, хуфяхоналар, минглаб сиёсатшунослар бирданига ишсиз қолдилар, ҳарбий саноат комплексининг режалари ҳам остин-устун бўлиб кетди.

СССРнинг кучи синганига узил-кесил ишониш жуда қийин кўчди. Рус колониализмининг тарихий безбетлиги, юз йиллар давомида энг оддий ҳақиқатлардан ҳам кўз юмиб яшагани (лоақал «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олингани»ни эсланг!) дунё аҳли учун одатий бир ҳолга айланган эдики, собиқ мустамлакаларнинг бирин-кетин мустақиллик баён этиб, Россиядан айрича йўл тутиб кетаётганлари дастлабки ойларда ақл бовар қилмайдиган ва ҳаттоки ғайритабиий ҳодиса бўлиб кўринди.

Гарчи собиқ СССР ўрнида ўнлаб мустақил давлатлар юзага келса-да, кўпчилик Ғарб мамлакатлари уларга ҳамон ягона жуғрофий ва сиёсий бирлик деб қарашда давом этдилар. Уларнинг ҳар бири алоҳида ва расман тан олинган чоғларда ҳам, янги давлатларнинг барчаси Ельцин Россиясининг кичикроқ нусҳалари деган хато тасаввур ҳукм сурди. Бунга маълум даражада Ақаев ва Назарбоевга ўхшаш миллат етакчиларининг дастлабки пайтларда Россия ва Ельцин «демократия»сини эталон билиб, кўр-кўрона эргашганлари ҳам сабаб бўлди.

Ўзбекистон Президенти АҚШга боргани йўқ (сафар шу йил кузда бўлажак), аммо кўплаб америкалик бизнесчилар, сиёсатшунослар, ҳукмрон давраларга яқин бошқа шахслар билан расмий ва норасмий тарзда учрашди, уларга ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қилди. Дунёда дипломатиянинг иш кишилари билан юритиладиган ва ортиқча овоза этилмайдиган бир тури борки, аксар у дабдабали расмий зиёратлардан ҳам кўпроқ натижа бериши мумкин. Муҳими — бирор юрт корчалонларини мамлакатга жалб этиш. Ишбилармонлар эса ўз юртбошиларига қай тарзда гап уқтиришни жуда яхши биладилар.

Кейинги пайтларда Америка матбуотида «Биз янги мустақил давлатларга Россия кўзи билан қараб хато қилмадикми?» деган мазмундаги талай мақолалар чоп этилдики, улардан бири — Памела Гарриман хонимнинг мақоласини матбуотимиз катта мамнуният билан кўчириб босди. Бизга хайрихоҳ Гарриман хонимнинг мақола чиқишидан бирор ойча олдин Тошкентга келгани ва Президент Ислом Карим билан учрашганини эсласак бас, калаванинг учи топилгандай бўлади. Дунёдаги энг моҳир дипломатлардан бири Жеймс Бейкер жаноблари шаънига айтилган айрим танқидий фикрлар ҳам зикр этилмиш мавзуда — АҚШнинг Ўрта Осиёда нисбатан беписандлигини қоралаш хусусида экани ҳам диққатга сазовор.

Мустақиллик эълон қилинган кезда Ўзбекистон олдида кам деганда учта йўл бор эди. **Биринчиси** — воқеаларни ўз зайлига қўйиб, бошқа қўшниларда, аввало — Россияда бўлаётган ислоҳотлардан нусха кўчириш. Табиийки, фуқаро эрки борасидаги шиорлар ҳам шунга яраша бўларди. Аммо бу йўл ўсиб келаётган миллий ғурурга мос келмаслиги, шунинг замирида турли туғён ва ҳатто исёнлар бўлиши, натижа ўлароқ миллий низолар келиб чиқиши мумкин эди.

Қирғизистон билан Қозоғистонда айнан шундай бўлмаса ҳам, шунга яқинроқ йўл танлаб олинди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, қайси йўл танланиши ҳукмрон давраларнинг иродасига кўп боғлиқ бўлмай қолди. Сабабки, бу давлатларнинг нуфусий таркиби ўта мураккаб, мамлакат номини унвон этган кишилар сони умумий нуфуснинг ярмига етар-етмас бир аҳволда. Бу икки мамлакатда пайдо бўлган мухолиф сиёсий кучлар ўзларига миллат ғоясини байроқ этиб олганлари бежиз эмас. Рўй бериши эҳтимол (худо кўрсатмасин!) тўқнашувлар ҳам худди шу ғоя атрофида кечиши мумкин. Президент Назарбоев — уста сиёсатчи, эҳтимолий оқибатларни тезда тош-тарози қилиб, миллий ғояни ўзиники қилиб олишга ва айни замонда салтанат жиловини қаттиқроқ тутишга муваффақ бўлди. Қирғизистонда эса, аҳвол анча жиддий. Нусхакашлик даври анча чўзилиб кетди, миллий ғояни байроқ этган мухолифиятчилар билан эски коммунистик структуралар орасида яқинлашув юз берди. Гарчи Оврўпою Америкада Ақаев номи зикр этилганда тиллардан бол томса-да, атанган демократнинг ўз юртидаги обрўси омонатроқ бўлиб қолди. Президент Ақаевнинг назарий жиҳатдан бенуқсон ислоҳотлари жиддий тўсиққа — мамлакат иқтисодиётининг ўта заифлигига дуч келди.

31 август куни Президент Ақаев Жаҳон Иқтисодий Анжумани минбаридан: «Бизга 450 миллион доллар кредит берилса бас, иқтисодий ислоҳотларни тўла амалга ошириш имконига эга бўламиз», дея баёнот берди. Қирғизистон — чоғроқ мамлакат, эҳтимолки, унинг ривожи учун ярим миллиард кифоя қилар, аммо ҳозирча кредит ажратадиган ҳомий чиққани йўқ. Чамаси, Қирғизистон раҳбари аниқ бир рақамни атаб хато қилди. Чамаси, мамлакат иқтисодиёти раҳбар тасаввур этганидан айироқ ва раҳбар айтган миқдордан кўпроқ маблағ талаб этади.

Гарчи Ўзбекистон биринчи йўлни танламаган эрса-да, айни шу нарса, яъники биринчи йўл танланмагани боис туғилган ғалати бир тамойилни эсламасдан бўлмайди. Қирғизистон ва Қозоғистондаги мухолифият миллий ғояни байроқ этган бўлса, миллий уйғониш, борингки, миллий озодлик жараёни ибтидосида миллий ғояни шиор этган бизнинг мухолифиятчиларимиз кема елканини тескари тарафдан пуфлашга мажбур бўлдилар. Бунинг исботи учун мухолифиат раҳбарларининг бор-йўғи икки йил аввал, собиқ комфирқанинг собиқ котиби Мутал Ҳошим ўғли ҳузурида бўлган учрашувда ўрис мухбирларга қарата «тезроқ юртимиздан чиқиб кетинглар!», «ҳали сизларга кўрсатиб қўямиз!» қабилида дўқ урганларини хотирлаш кифоя. Бугунги кунда улар анча «байналмилал»лашди, Ислом Каримга аталган ўқларини асосан Масков матбуоти саҳифаларига ўраб отяпти. Эҳтимол, курашда эврилишлар ҳам керакдир. Аммо бу услуб мухолифиятчиларнинг миллий ғоядан воз кечмаган тарафдорларига маъқул тушмаслиги, оқибат-натижада тарафдорлар етакчиларидан юз ўгириб кетишлари ҳам мумкин.

Мустақил Ўзбекистон олдида турган **иккинчи** йўл ислом жумҳурияти йўли эди. Тўғриси, ҳукмрон доиралар жуда-жуда хоҳлаганларида ҳам, мамлакат бу йўлга мутлақо тайёр эмасди. Бир ярим асрлик истибдод касридан фуқаро юриш-туришида, ўйлаш тарзида, борингки, бутун турмушида юз берган «кофирона» ўзгаришлар шу қадар кўпки, муқаррар равишда «боиймонлар» билан «беиймонлар» орасида ихтилоф чиқарди ва охир-оқибатда фуқаро қирғинига айланиб кетарди.

Давлат ва дин ўртасидаги муносабатда оқилона мувозанат сақлаб туриш — бугунги сиёсатнинг энг асосий шартларидан бири. Президент Ислом Карим Олий Кенгаш мажлисида бу нуқтаи назарни жуда аниқ ва етарли даражада кескин қилиб ифода этади: «ДАВЛАТ ЎЗ ЙЎЛИ БИЛАН, ДИН ЎЗ ЙЎЛИ БИЛАН».

Минг таассуфлар бўлсинким, етмиш йил ҳукм сурган мафкура динга ҳам ўз нуқсини юқтирди. Дин аҳли неча ўн йиллаб қўрқув исканжасида яшади. Узлуксиз таҳдид ва тазйиққа чидаганларнинг иймони саломат қолди, чидамаганлар эса, азбаройи тирикчилик важҳидан тузум илмоғига тушиб, беҳидоятликни ҳидоят аташ даражасигача бориб етди. Масжид имомлари рўйхат бўйича тайинланиб, муллалар тузум эгаларини жамоа кайфиятидан огоҳ этиб турувчи хабаркашларга айланди. Диндорларимиз қанчалик ранжимасин, бу аччиқ ҳақиқатни айтмасак ҳақимиз кетади. Яна бир аччиқ ҳақиқат шуки, бўлиши эҳтимол руҳий инқилобларни занжирда сақлаш учун нуфузли дин пешволари орасига атай қутқу солинди. Дин пешволари бир-бирига зид, бир-бирларининг бўғзидан олишга тайёр бир неча тоифаларга ажратиб юборилдики, бунинг ташкилотчиларини ҳам Масковдан излаш керак.

Бугунги кунда давлатда исломий тартиб, исломий ахлоқ равнақи хусусида орзу қилиб, «Конституция эмас, шариат керак», дея ташвиқот этаётган биродарларимиз бизга Саудия Арабистони ёки Урдания каби мамлакатларни ибрат қилиб кўрсатмоқдалар. Аммо улар номлари зикр этилмиш мамлакатлар тараққийси узвий экани, у ёқларда етмиш йиллик Шўро тартиби ҳукм сурмаганини унутиб қўймоқдалар.

Учинчи ва амалда танланган йўл — маърифий жумҳурият йўли. Динга, сиёсий фирқаларга, жамоат ҳаракатларига етарли эрк берган ҳолда, давлат тузумини ва иқтисодий тараққийни маърифий тарзда юргизиш йўли.

Ўзбекистонда бу йўлнинг соф оврўпоча нусхаси эмас, балки бошқачароқ шакли танлаб олинди. Янада аниқроғи, маърифий жумҳурият ғоясига андак хитойча қаттиққўллик унсурлари ҳам қўшилди.

(Давоми 3-бетда).

• Ўзбекистон–Ватаним маним

ОЛТИН ЗИНАПОЯНИНГ ИЛК ПОҒОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Абдулла ака, сиз бир фуқаро сифатида ўтган бир йил ичида қандай ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдингиз?

— Ўзбекистонимизнинг Мустақиллиги эълон қилинганини эшитганимда, очиғи, энг аввало хаёлимга улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг ушбу машҳур рубоийси келган эди:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Энг муҳими, биз ота-боболаримизнинг эзгу орзуси — мустақилликка эришдик. Афсуски, бизнинг қулоқларимиз мустамлакачилик, мутелик даврида аста-секин битган экан. Кўпларимиз мустақилликнинг нима эканини ҳали чуқур англаб етганимиз йўқ. Тўғри, дастурхон ҳақида ўйлаш керак, лекин бўйнида тилло занжир билан, тилло товоқда овқат ейишдан кўра озод қуш бўлиб, озод инсон бўлиб ёвғон ичган минг марта афзал. Ҳар қандай урушларнинг чеки бор, бир кун тўхтайди. Маҳшар кунининг ҳам чегараси бор. Бу қийинчиликлар абадий эмас. Бари ўтиб кетади. Бизга берилган мустақиллик, озодлик абадий бўлиб қолади.

Энди, биз демократия деймиз. Демократия дегани бу бақир-чақир, тўполон дегани эмас. Демократия юксак маданият, демократия катта диёнат, катта инсоф. Ўз фикрига эга бўлган одамларнинг бошқалардан ҳадиксирамай гапира билиш имконияти демократиядир. Ўзбекистонимиздаги барча сиёсий партиялар, гуруҳларнинг нияти битта, у ҳам бўлса мустақилликка хизмат қилиш бўлиши керак. Худога минг қатла шукурки, бизда қон тўкишлар, ур-сурлар, қувғинлар йўқ. Раҳбариятимиз юритаётган сиёсатнинг энг улкан ютуғи шунда деб биламан. Баъзан дўстларимга, Тошкентимизнинг кираверишига кўзмунчоқнинг бир рамзий шаклини илиб қўйайлик, дейман. Кўз тегмасин шу юртимизга.

Биз пахтани ёмонладик. У тил-забони йўқ бир ўсимлик. Эксанг кўкаради, экмасанг йўқ. Мева-чева ҳам шундай, ҳаммаси керак, фақат бунда ҳам меъёр бўлиши лозим. Мен иқтисодчи ҳам эмасман, молиячи ҳам эмасман, лекин ўзимча англайманки, оддий михнинг қаёқдан келтирилишини билмаганларгина у йўқ, бу йўқ деб айюҳаннос солади. Ахир Ўзбекистон хом ашё ўлкаси бўлгани кундай равшан-ку.

Тугмамиз ҳам, ҳатто игнамиз ҳам бўлмаган. Ҳаммасини четдан келтирганмиз. Энди буларнинг барчасини ўзимизда ишлаб чиқариш зарур. Ҳукуматимиз эътиборини шунга қаратмоқда. Асакада автомобиль заводи қурилмоқда, булар ўз самарасини беражак. Биз мустақиллик аталган олтин зинапоянинг биринчи поғонасини босиб ўтаяпмиз. Бизнинг авлодга балки насиб қилар, балки насиб қилмас, бу зинанинг юқори поғоналарига қадам осиш. Лекин ҳар қандай катта рақам ҳам бирдан бошланади. Хуллас, биринчи қадамда ҳикмат кўп.

— Мустақиллик, назаримда, баъзиларни эсанкиратиб қўйди. Масалан, собиқ Иттифоқнинг кўпгина ҳудудларида фуқаролар ўртасида низолар келиб чиқмоқда.

— Аввало одамлардаги Мустақилликка бўлган лоқайд муносабатга тўхталиб ўтмоқчиман. Бунинг сабаби, ҳалқ ҳар куни ўнлаб самарасиз қарорларни ўқийвериб-ўқийвериб, бирон натижа чиқмагач, қулоғи қотиб кетган. Ҳар қандай давлат ўз сиёсатини бир кунда амалга ошириши мумкин эмас. Йиллар давомида шаклланган иқтисод ва сиёсатни тўсатдан ўзгартириш ҳам мушкул. Бошқа ҳудудлардаги жанжаллар ҳам шундан. Мамлакатни фаровон қилиш биттагина давлат раҳбарининг саъй-ҳаракати билан битадиган иш эмас. Кўриб турибмиз, Президентимиз иложи борича аҳволни ўнглашга уринаяпти. Яқинда Туркиядан икки миллион тонна буғдой олишга келишилди.

— Ҳукуматимиз миллий масалага алоҳида эътибор билан қарамоқда. Ҳаммани бир ёқадан бош чиқариб аҳил бўлиб ишлашга даъват этмоқда. Аммо ҳали бу борада ҳам муаммолар анча...

—Тарихдан маълум, қадим Туркистонда турли миллат вакиллари бақамти яшаб келган. Яқинда бўлганим Саудия Арабистонида етти юз мингдан зиёд ўзбек истиқомат қилади. Улар шу мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари саналади. Биз ҳам жаҳондаги барча демократик мамлакатлар каби миллатлар билан, халқлар билан эмас, балки сиёсий бузуқилик билан чиқиша олмаймиз. Ўзга миллатлар бу юртда яшар экан, марҳамат. Бизнинг тилимизни ўрганса, шу юрт ташвиши учун биз билан елкама-елка жон куйдирса бунинг нимаси ёмон? Элга эл қўшилса — бойлик, элдан эл кетса — кулфат. Ўтган даврнинг руҳимизда қолдирган асоратларидан қутулиш осон эмас. Бир шаҳзода лўли қизга ишқи тушиб, унга уйланибди. Турган гап, шаҳзоданинг саройида ҳамма нарса муҳайё. Шундай бўлса-да, лўли малика ўз хонасининг токчаларига нарсаларни териб қўяр ва ҳар бирининг олди-

(Давоми 2-бетда).

ДЭУ КОРПОРАЦИЯСИ РАҲБАРИЯТИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 4 август куни Жанубий Кореядаги йирик ДЭУ корпорациясининг раиси Ким У-Жунни қабул қилди. Дўстона ва амалий вазиятда ўтган суҳбат чоғида икки томонлама, ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари тилга олинди.

Корпорациянинг Ўзбекистонда қўшма корхона барпо этиш нияти иккала мамлакат ўртасидаги амалий ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга кўмаклашиши таъкидланди.

Жумладан, ДЭУ келгуси йилнинг декабрь ойидаёқ Андижон вилоятида уч турдаги автомобиллар чиқаришни бошламоқчи. Улар орасида қишлоқ жойлар учун мўлжалланган икки хил ихчам юк автомобили бор. Бу автомобиллар беш юз килограмм ва 1,5 минг килограмм юк орта олади. Бу автомобилларнинг фазилатлари шундаки, яхши юради, кам ёнилғи сарфлайди. Аммо Ўзбекистонда машина ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдан илгари ДЭУ кредит ҳисобига республикамизга тахминан мингта шундай машинани яқин ойлар ичидаёқ етказиб беради. Уларга хизмат кўрсатиш учун Тошкент ва Фарғонада Жанубий Корея автомобилларига техника хизмати кўрсатиш сервис пунктлари ажратилади. Бир гуруҳ ўзбекистонлик мутахассисларнинг Корея Республикасига бориб, ДЭУ автомобиль заводида стажировкадан ўтиши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари Тошкентдаги йирик саноат корхоналарида жаҳон андозаларига жавоб берадиган телевизор ва магнитофонлар ишлаб чиқариш бошланди, автомобиллар ишлаб чиқариш учун ускуналарни кўплаб тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Масалан, ҳозир ҳар кеча-кундузда уч юзтага яқин теле ва видеоаппаратлар комплекти йиғилаётган бўлса, яқин орада бу рақам ўн баравар ортади. Шундай қилиб, республика бозори аста-секин юқори сифатли маиший аппаратлар билан тўлиб боради. Табиийки, дастлабки пайтда бундай маҳсулотларнинг нархи анчагина қиммат бўлади. Шу ўринда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш устида мунтазам иш олиб бораётган Жанубий Кореялик ишбилармонларнинг тажрибаси ишлаб чиқарувчиларимизга бебаҳо кўмак беради.

Бўлиб ўтган учрашувда Республика Президенти ўзаро манфаатли ҳамкорлик Ўзбекистон билан ДЭУ корпорацияси ўртасидаги амалий муносабатларни янада ривожлантиришнинг кафолати эканлигини таъкидлади. Ўз навбатида Ким У-Жун ДЭУ мустақил республика иқтисодиётини ривожлантириш учун катта сармоя сарфлашга тайёр эканини айтди. Бу Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига яқинда қилган расмий ташрифи якунларига тўла мос келади.

Жанубий Кореядаги ДЭУ корпорациясининг раҳбарияти И. А. Каримовнинг Самарқанд билан Бухорога танишув сафари қилиш ҳақидаги таклифини мамнуният билан қабул этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

МУДОФАА ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиқиб, барча давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказа бориб ўз мудофаа қудратини қуролли тажовуздан ҳимояланиш учун етарли даражада сақлаб туради.

Ушбу Қонун давлат идоралари ва маҳаллий бошқарув идораларининг Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини таъминлаш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, бошқариш асосини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

1-модда. Ўзбекистон Республикаси мудофаасининг асослари

1. Ўзбекистон Республикасининг мудофааси — давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитликни, республика манфаатлари ҳимоя қилинишини ва аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуидан иборатдир.

2. Мудофаанинг мақсадларига Ўзбекистон Республикасига қарши четдан қилинадиган ҳужумнинг олдини олиш ва ҳар қандай тажовуз қилинишини мумкин бўлган шароитда қуролли ҳимояланишни уюшган ҳолатда қўллашнинг барча зарур шарт-шароитини яратиш орқали эришилади.

3. Ўзбекистон Республикасини мудофаа қилиш Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудудининг Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасига мувофиқ тажовузни даф этишга доим тайёрлигига асосланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси Қуролли Кучлар тузилишида мудофааланиш кифоя қиларли даражада бўлиши қоидасига амал қилади ва Ўзбекистон Республикаси:

урушни халқаро муаммоларни ҳал этишнинг усули сифатида тан олмаслигидан;

бетарафлик йўлини тутишга интилишидан ва ядро қуролларини яқинлаштирмаслик: ядро қуролларини жойлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сотиб олмаслик қоидасига риоя этишга ҳаракат қилишидан;

биронта ҳам давлатга ҳудудий масалада даъво қилмаслигидан ва биронта ҳам халқни душман деб билмаслигидан;

башарти ўзи тажовуз объекти бўлиб қолмаган тақдирда бирон-бир давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламаслигидан иборатдир.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш:

ҳарбий сиёсатни, ҳарбий доктринани ишлаб чиқишни ва ҳарбий фанни ривожлантиришни;

тажовузларнинг олдини олиш юзасидан халқаро майдонда тегишли тадбирларни амалга оширишни; хавфсизликнинг жамоа бўлиб амалга ошириладиган тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўтказишда қатнашиш имкониятларини;

давлат чегараларини қўриқлашни;

ҳарбий-техника сиёсатини, ҳарбий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни ва Қуролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий техника билан, ҳарбий-техника ашёлари, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситалари билан тўла-тўкис таъминлаб туришни;

халқ хўжалигини, давлат идораларини, бошқарув тизимини сафарбарликка тайёрлашни;

аҳолини ва республика ҳудудини мудофаага тайёрлашни;

Қуролли Кучларнинг керакли тузилмаларини ҳозирлаш, тайёргарлик даражасини кучайтириш ҳамда зарур таркибини ва миқдорини таъминлаш, уларнинг жанговарлик қобилияти, жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳарбий игвогарликларнинг пайини қирқишни ва тажовузларни даф этишни таъминлайдиган даражада бўлишини;

мудофаа ва ҳарбий қурилишга доир масалаларни қонун йўли билан тартибга солиб боришни ўз ичига олади.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа тўғрисидаги қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа тўғрисидаги қонунлари ушбу Қонундан ҳамда унга мувофиқ чиқариладиган Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши:

мудофаа, ҳарбий қурилиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларига доир қонунлар ҳақиқатда бажарилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.

Мудофаа концепциясини, ҳарбий қасамённи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сафарбар этиш ва сафарбарликдан бўшатиш тўғрисидаги, қуролли ҳужум қилинган тақдирда ҳарбий ҳолат эълон қилиш ҳақидаги, уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги, ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилгач сулҳ тузиш хусусидаги, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича халқаро шартномаларга доир мажбуриятларни бажариш зарур бўлиб қолганда Қуролли Кучларни қўллаш тўғрисидаги, шунингдек Республика манфаатлари учун бошқа вазифаларни ҳал этишга доир фармонларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий масалаларга доир халқаро шартномаларини ратификация қилади ва бекор қилади;

Қуролли Кучларнинг Бош қўмондонига олий ҳарбий унвон беради.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти:

Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларига қуролли хуруж қилинган тақдирда республика мудофаасини таъминлаш, унинг мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, эркинлигини ҳимоялашнинг зарур чоратадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирини тайинлаб, сўнгра уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

муайян муддатга Қуролли Кучлар тузиш, уларнинг стратегик вазифалари режасини, шунингдек сафарбарлик режасини тасдиқлайди;

давлат идораларининг мудофаа соҳасидаги фаолиятини тартибга солиб туради;

ҳарбий масалага доир умумий кўламда музокаралар олиб боради ва халқаро шартномаларни имзолайди;

Ўзбекистон Республикасига қуролли ҳужум қилинган тақдирда умумий ёки қисман сафарбарлик, уруш ҳолати эълон қилади, айрим ҳудудларда ҳарбий ҳолат жорий этади, ҳарбий вақтнинг норматив ҳужжатларини амалга киритади ва уларнинг амал қилишини тўхтатади. Қабул қилган қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиғига киритади;

қарорлар қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига жанговар ҳаракатлар юритиш тўғрисида, шунингдек фавқулодда ҳолларда улардан фойдаланиш ҳақида буйруқ беради;

юқори офицерлар составини лавозимларга тайинлайди, уларга ҳарбий ҳамда махсус унвонлар беради, шунингдек уларнинг лавозимлари ва унвонларини пасайтиради.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси:

ўзига бўйсунадиган тузилмаларнинг мудофаани таъминлаш, Қуролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситалар билан таъмин этиш борасидаги фаолиятига раҳбарлик қилади;

мудофаа ва Қуролли Кучлар эҳтиёжлари учун зарур бўладиган моддий-техника ресурслари, озиқ-овқат, буюм ва бошқа ашёлар меъёри ва ҳажмини, ҳарбий хизматга ва муқобил хизматга чақирилиши лозим бўладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг миқдорини ҳамда уларнинг ҳарбий хизматни ва муқобил хизматни ўташи тартибини, ҳарбий хизмат ёшидагилар ва чақирилувчиларни ҳарбий ҳисобга олиш ишини юритиш тартибини белгилаб беради;

ҳарбий хизматчиларни муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш ҳамда ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатиш ва ҳарбий хизмат ёшидагиларни йиғинга чақириш, уруш даврида сафарбар этиш ва сафарбарликдан бўшатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

давлат ва сафарбарлик заҳираларининг моддий бойликларини тўплаш режаларини тасдиқлайди;

халқ хўжалигини сафарбарликка тайёрлаш, сафарбарликни кучайтириш ва уни уруш ҳолати шароитидаги иш тартибига ўтказишга раҳбарлик қилади;

ҳарбий хизматчилар, истеъфодаги ҳарбий хизмат ёшидагилар ва улар оилаларининг, шунингдек хизмат бурчини ўтаётганда ҳалок бўлган, вафот этган, бедарак йўқолган ёки асирликка тушиб қолган ҳарбий хизматчилар оилаларининг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари, уларнинг моддий, маиший ва пенсия таъминоти масалаларини ҳал этади;

мудофаа соҳасидаги халқаро шартномалар бажарилишини таъминлайди;

ҳарбий-ҳунар таълимига ихтисослашган олий ва ўрта ҳарбий-ўқув юртларини тузади ва уларни тугатади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги республика Қуролли Кучларининг давлат бошқарув идораси ҳисобланади, ва Қуролли Кучларнинг ҳолати ҳамда уларни янада ривожлантириш учун, жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий интизоми учун тўла жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги:

Қуролли Кучларда мудофаа соҳасидаги ва ҳарбий қурилиш жабҳасидаги давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;

мудофаа, Қуролли Кучларни тузиш ва ривожлантириш режалари ва концепцияларининг, қурол-яроғларни ва ҳарбий техникани ривожлантириш давлат дастурининг лойиҳаларини, мудофаа эҳтиёжларига пул ажратишга доир таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси муҳокамасига киритади;

ҳарбий қурилиш соҳасида илмий тадқиқотларни йўлга қўяди ва олиб боради;

ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий ашёлар яратиш, ишлаб чиқариш ва ремонт қилишга оид давлат буюртмалари бажарилишини назорат қилади;

Қуролли Кучлар шахсий состави билан ҳарбий, ҳуқуқий, ахлоқий тарбия, шунингдек маънавий-психологик тайёргарлик, ҳарбий кадрларни жой-жойига қўйиш ишларини олиб боради;

ҳарбий хизматдан бўшатилганларга пенсиялар тўланишини, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини амалдаги қонунларга мувофиқ равишда таъминлайди;

халқ хўжалигининг сафарбарлик даражасида тайёрлигини ташкил этишда иштирок этади;

сафарбарлик заҳираларини ҳозирлаш ва қайта тайёрлаш, фуқароларни ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш ҳамда белгиланган хизмат муддатини тугатган ҳарбий хизматчиларни ва муқобил хизматдаги хизматчиларни заҳирага бўшатиш, ҳарбий хизмат ёшидагиларни йиғинга чақириш, шунингдек сафарбарликка чақириш ва сафарбарликдан бўшатиш ишларини режалаштиради ва амалга оширишни ташкил этади;

бошқа давлатларнинг Қуролли Кучлари билан ҳарбий, маданий ва илмий алоқалар ўрнатади.

8-модда. Бошқа вазирликлар ва идораларнинг ваколатлари

Ҳарбий буюртмаларни бажараётган вазирликлар ва идоралар бошқарувнинг топширилган тармоқларида мудофаа эҳтиёжларига мўлжалланган зарур маҳсулотларнинг етказиб берилиши учун, тармоқнинг сафарбарлик тайёрлиги учун жавобгар бўлади, тармоқ ҳарбий даврда сафарбарлик тайёрлиги режасига мувофиқ барқарор ишлашини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

9-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари:

корхоналар, муассасадар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар мудофаани, халқ хўжалигининг сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш соҳасидаги қонунларнинг бажаришлари учун масъул бўладилар;

ҳарбий қисмларга ва муассасаларга зарур маҳаллий маҳсулотлар етказилиб берилишини, улар сув, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланишини амалга оширадилар, алоқа воситаларини берадилар, коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатадилар;

мудофаа манфаатларини кўзлаб қонунларга мувофиқ ер ажратиб берадилар ва улардан фойдаланишни назорат қилиб борадилар;

қонунларда белгиланган тартибда ҳарбий қисмларга, Қуролли Кучларнинг муассасаларига, ҳарбий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларига хизмат бинолари ва турар жойлар ажратиб берадилар, ҳарбий объектларга, ҳарбий хизматчиларга, уларнинг оилаларига нисбатан қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилинишига йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар кўрадилар.

10-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вазифалари

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кимнинг тасарруфида эканликлари ва мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар, давлатнинг ҳарбий буюртмалари ва шартномалар бажарилиши учун қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар, сафарбарлик учун керакли кучларни ва заҳираларни яратадилар ва шай қилиб турадилар.

11-модда. Фуқароларнинг бурчи

Ўзбекистон Республикаси унинг ҳудудий яхлитлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг Конституциявий бурчи ҳисобланади.

Бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда доимий яшаб турган ёки вақтинча турган фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматга ва ҳарбий тайёргарлик кўришга мажбур эмас.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари республика манфаатларини, аҳолининг тинч турмушини, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун барпо этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари:

қонуннинг устунлиги;

марказлашган раҳбарлик ва яккабошчилик;

доимий жанговар тайёргарлик ва сафарбарликка шайлик;

фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти;

умумий хавфсизлик тизимини яратиш;

ҳарбий интизомга риоя этиш;

партиядан холилик;

ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишини, таъмин этиш асосида қурилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Қуришликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус ва Миллий Гвардия қўшинлардан иборат бўлади.

Уруш бўлган тақдирда Қуролли Кучлар ўз вазифаларини Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари билан, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари билан ҳамкорликда бажарадилар.

4. Қуролли Кучларни жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси ҳудудини, чегараларини ва ҳаво тегараларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашдек стратегик режалар асосида белгиланади ва ҳарбий доктрина талабларига, стратегик ва оператив режалар асосида, шунингдек қўшинларни сафарбар этиб жойлаштириш режасига мувофиқ амалга оширилади.

5. Қуролли Кучларни тузиш «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Қуролли Кучларни тузиш — ҳарбий хизматга шу ҳудуддан ва ҳудуд ташқарисидан чақиришни уйғун ҳолда бажариш орқали амалга оширилади.

6. Қуролли Кучларни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш давлат томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий объектлар ва инвестлар, қурол-яроғларнинг, ҳарбий техниканинг ва бошқа ҳарбий мол-мулкнинг барча турлари давлат мулки ҳисобланади, Қуролли Кучлар тасарруфида бўлади, улар қонунларда белгиланган асосларга биноан ва ваколатлари доирасида бу нарсаларга эгалик қиладилар, улардан фойдаланадилар ва уларни тасарруф этадилар.

Қурол-яроғни, ҳарбий техникани, бутловчи буюмларни ва бошқа мол-мулкни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва таъмирлаш, мудофаа эҳтиёжлари учун озиқ-овқатни етказиб бериш, шунингдек мудофаа манфаатлари йўлида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва қурилиш ишларини бажариш, давлат сафарбарлик заҳираларида сафарбарлик бойликларини яратиш ривожлантириш ва сақлаб қолиш тўла ҳажмда давлат буюртмасига киритилади.

Мудофаа эҳтиёжлари учун давлат буюртмаларининг бажарилиши солиқ, ижара имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар билан рағбатлантирилади.

Қуролли Кучларнинг бинолари, иншоотлари, ҳарбий техникаси, қурол-яроғлари ва бошқа мол-мулки давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин.

13-модда. Уруш ҳолати, ҳарбий давр

Уруш ҳолати Ўзбекистон Республикасига ҳарбий ҳужум қилинган тақдирда эълон қилинади ва бу ҳолат бир-бирига қарши урушаётган томонлар ўртасида сулҳ тузганларидан кейингина бекор қилинади.

Уруш ҳолати эълон қилиниши биланоқ ёки ҳарбий ҳаракатлар амалда бошлаб юборилган дақиқадан эътиборан ҳарбий давр амал қилади ҳамда у ҳарбий ҳаракатлар амалда тўхтатилган кунда ва соатда тугайди.

Республика ҳудудига қўшинлар ёки қуролли гуруҳлар қўққисдан ҳужум қилган ёки бостириб кирган тақдирда ҳарбий бошқарувнинг маҳаллий идоралари уруш эълон қилинишини кутмай ҳужумни қайтаришнинг барча чораларини кўришлари шарт.

14-модда. Ҳарбий ҳолат

Ҳарбий хуруж хавфи бўлганида республиканинг айрим ерларида ёки бутун ҳудудида ҳарбий ҳолат жорий этилади.

Олий Бош қўмондоннинг вазифалари ҳарбий ҳолат эълон қилиниши биланоқ Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юкланади. Унинг ҳузурида Мудофаа Кенгаши тузилади, Кенгаш ҳарбий даврда Қуролли Кучларга ва халқ хўжалигига раҳбарлик қилади.

Ҳарбий ҳолат тартиби қонунлар билан белгиланади.

15-модда. Сафарбарлик

Уруш ҳолати эълон қилиниши ёки ҳарбий ҳолат жорий этилиши биланоқ Қуролли Кучларни сафарбар этиб жойларга тарқатиш ва иқтисодиётни уруш даври иш тартибига ўтказиш мақсадида умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилинади.

Сафарбарликни ўтказиш тартиби қонунлар билан белгиланади.

16-модда. Ҳудудий мудофаа

Ҳудудий мудофаа давлат чегараларини, ҳарбий объектлар ва иншоотларни душман ҳужумидан ҳимоя қилиш, душманнинг десантчи ва қўпорувчи кучларига қарши кураш, шунингдек ҳарбий ҳолат тартибини сақлаб туриш мақсадида ташкил этилади ва амалга оширилади.

Ҳудудий мудофаани таъминлашга жалб этилаётган кучларнинг вазифалари, уларни ташкил этиш ва ҳамкорликда ҳаракат қилиш тартиби Қуролли Кучларнинг сафарбарлик режасида белгилаб қўйилади.

17-модда. Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг мудофаа тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлиги

Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг мудофаа тўғрисидаги қонунларни бажармаслиги амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«МУДОФАА ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган дақиқадан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси:

«Конверсия тўғрисида»ги Қонуннинг лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига киритсин;

«Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини, давлат идораларини, бошқарув тизимларини сафарбарлик тайёргарлиги тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ва ҳудудини мудофаага ҳозирлаш тўғрисида»ги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

ОЛТИН ЗИНАПОЯНИНГ ИЛК ПОҒОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

га бориб, «хайр қилинг» деяр экан. Демоқчиманки, қон-қонимизга сингиб кетган фъел-атвордан қутулиш ниҳоятда оғир.

Ёв қочса, ботир кўпаяр дегандек, Мустақилликни шиор қилиб амал курсисини эгаллаш пайида юрганлар ҳам бор. Улар катталарга хушомад қилса, халқ олдида ўзларини тўралардай тутади. Ўзига тобеларни сўкади. Булардан тозаланиш учун фурсат керак. Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта, истиқлолга эришган Ўзбекистонни юксалтириш бўлмоғи шарт. Ўзбекистон — ер юзида якка-ягона!

Буни ҳар биримиз юракюракдан англашимиз зарур.

— **Абдулла ака, ҳақиқатан ҳам мустақил давлатимизга осон бўлмаяпти. Муаммолар бир дунё...**

Вировлар муҳими иқтисод деса, бошқалар, йўқ, сиёсат дейди. Менимча, иккисини қарама-қарши қўядиган пайт эмас. Иқтисодий куч-қудратимиз бўлмас экан, минг марта сиёсат юргизганимиз билан ҳеч ким бизни тан олмайди. Иқтисодий манбаларимиз бўлса-ю, юртимизда сиёсий вазият барқарор бўлмаса, жаҳон биз билан ҳисоблашмайди. Иқтисодий қудрат ва сиёсий барқарорлик бизни тезроқ дунё миқёсига олиб чиқади. Тижорат, олди-сотди ишлари ўз йўлига, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз лозим. Хом ашёни ўзимиз ишлаб, ўзимиз сотгандагина тўла манфаатдор бўламиз. Мен Жанубий Қурияда бўлдим. Тасаввур қилинг, у йигирма йил ичида шундай саноатлашган давлатга айланибди. Ҳолбуки, бу мамлакатда табиий бойлик йўқ. Пешона тери билан шундай муваффақиятга эришган бу юртни беҳиштга қиёс қилса арзийди. Ҳеч иккиланмай айтаман: бизнинг халқимиз ҳам меҳнаткашликда улардан асло қолишмайди.

Мустақил бўлганимизга атиги бир йил тўлди. Вақт нуқтаи назарида бу қисқа фурсат. Бироқ кўп ишлар қилинди. Улгуролмаган ишларимиз ундан ҳам кўп. Сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришдик. Аммо ҳали маънавий мустақилликка эришолган эмасмиз. Мустамлакачилик кишанлари қанчалик мустаҳкам бўлмасин, барибир у синди. Буёғи энди ўзимизга боғлиқ.

ЎзА мухбири
Абдумажид АЗИМОВ
суҳбатлашди.

Президент Фармонлари амалда

Шеробод туманидаги Н. Муродов номидаги давлат хўжалиги ўзига тўқ жамоалардан ҳисобланади. Эришилган ютуқлар хўжалик раҳбари республика халқ нойби Шоди Бекқуловнинг тадбиркорлиги самарасидир.

Айни вақтда хўжаликда 1500 тоннадан зиёд буғдой йиғиштириб олинди, шунингдек режадагидан анча кўп гўшт, сут, полиз ва сабзавот маҳсулотлари тайёрланди.

Пахта далаларида эса ғўзага ишлов бериш, суғориш, чеканка қилиш ишлари қизғин олиб борилаётир. Мутахассисларнинг фикрига кўра бу йил хўжалик меҳнаткашлари ҳар гектар ердан 30—32 центнердан ҳосил кўтаришади.

СУРАТЛАРДА: меҳнаткашларга буғдой улашиш пайтидан лавҳалар.

Р. Жуманиёзов олган суратлар. (ЎзА).

ШАҲАРЛИК ДЕҲҚОНЛАР

ЕКИ БОЗОР ТЎКИНЧИЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК

АМУДАРЁНИНГ Урганч ва Хонқа туманларига ёндош соҳили шу йилнинг баҳорида яшнаб кетди. Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ ана шу ҳудуддан 952 гектар унумдор дала Урганч шаҳри меҳнаткашларига томорқа қилиб берилди. Шанба ва якшанба кунлари шаҳарликлар бу ерга оммавий равишда келиб, деҳқончилик билан шуғулланмоқдалар. Кўпгина омилкор оилаларга пайкаллардан ҳозирнинг ўзидаёқ мўл сабзавот ва полиз маҳсулотлари, чорва озуқаси йиғиштириб олишаяпти.

Урганч шаҳри ҳокими маҳкамаси томорқа эгаларига имкони борича ёрдам уюштирачпти. Жумладан, томорқага элтувчи 10 километр йўл қисқа фурсатда асфальтланди. Автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Шаҳарлик томорқачиларга хизмат кўрсатувчи махсус ширкат тузилди. Техника ва ўғит таъминоти йўлга қўйилди. Уруғлик, иш қуроллари ва озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи дўкон ишга туширилди. Ҳозир чойхона қурилиши ниҳоясига етаяпти. Фахрийлар ва байналмилал жангчилар учун ҳам ғамхўрлик қилинмоқда. Уларга атаб бир неча гектар майдонда сабзавот ва полиз экинлари ўстирилмоқда. Қишлоққа бориб деҳқончилик қилиш имконига эга бўлмаганлар учун эса шаҳар коммунал хўжалиги идораси 200 гектар майдонда турли ноз-неъматлар етиштираяпти.

Вилоят ва Урганч шаҳри раҳбариятининг хайрли ташаббуси туфайли 7 минг оила биринчи бор ўз томорқасининг ҳосилидан баҳраманд бўлди. Энг муҳими бозор мўл-кўллиги, нарх-наво мўътадиллиги, ижтимоий кам ҳимояланган шаҳарликларни моддий қўллаш учун яхши имкон очилди.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Покланган ном муборак*

САХОВАТ

Дилкаш суҳбатдош, умрининг ўттиз йилини чўл ерларни ўзлаштиришга бахш этган эндиликда ушбу хўжалик директори Шаҳобиддин Иброҳимов билан хўжалигининг ташкил топиш тарихи, Шароф ака номини тиклаш йўлидаги кураш, келажак ҳақида сўзлашамиз.

— Мен, — деб гап бошлайди у — хўжалигимиз тарихи, босиб ўтган йўли бобида сўзласам-да, Шароф ака ҳақида, унинг номини поклаш учун олиб борган курашимизни одамларимиздан ўзингиз сўрасангиз. Чунки, кишиларимизнинг «Халқ сўзи» рўзномаси орқали айтадиган гаплари кўп.

Совхозимиз 1979 йилда Шароф Рашидов ташаббуси билан тузилган. Чўл зонаси бўлган бу ерларни ўзлаштиришдан у киши шахсан хабардор бўлиб турганлар.

Совхозимиз пахтадан ташқари мева, пилла, полиз экинлари етиштиради. Чорвачиликда ҳам қатор ютуқларга эришаяпмиз. Кўриб турганингиздек, одамларимизнинг 99 фоизи давлат қурган шинам уйларда яшайди. Яқинда биз бу уйларнинг тўланмаган пўлидан ҳам воз кечиб, халқимизнинг оғирини енгил қилмоқчимиз.

Шу йил баҳор ёғинлари, дўл, сел жуда кўп ердаги экинларни ювиб кетди. Чигитни қайтадан экишга мажбур бўлдик. Лекин одамларнинг руҳи тушгани йўқ. Бундай синовлардан кўп марта ўтишга тўғри келган. Таҳликали шу кунларда элликбошилар, ёшу қарилар йиғилишиб мулоҳаза қилдик: «Азизлар, хўжалигимизни Шароф Рашидов номи билан аталишига эришдик. Энди буни оқлайлик, токи унинг руҳи қақшаб қолмасин». Пировардида ҳамма ишларимиз равон йўлга тушиб кетди.

Совхоз ерлари билан таниша бориб, қозоқлар истиқомат қиладиган Қулунсой овулидан чиқиб қолдик. Кекса чўпон Ҳамзахон Одилбеков Рашидов билан бўлган учрашувларини эслаб, унинг қозоқ чўпонлари ҳаёти билан тез-тез қизиқиб турганлиги ҳақида сўзлади. Бу ерда 120 ўринли қозоқ мактаби, магазинлар қурилди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Овулдан қайтар эканмиз йўл четидаги тош тахтага битилган: «Чўл эдим — қилдингиз бўстон, раҳмат сизга ҳазрати инсон!» ёзувига кўзимиз тушди. Бу сўзлар Шароф Рашидовга қараб айтилаётгандай туюлди.

Хўжалик оқсоқоллари, онахону акахонлар билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Йигирма минг аҳолиси бўлган бу хўжалик меҳнаткашлари унга биринчи ғиштни қўйган инсон номи берилишини талаб қилиб чиқдилар. Бу таклиф район советида муҳокама қилинди. «Шу ишга қўл уриб, жувонмарг бўласизлар» деб қўрқитиб, четда турганлар ҳам бўлди ўша пайтда. Лекин халқ сўзида қаттиқ туриб талаб қилаверди. Айниқса, Ўзбекистон халқ депутати Парда Зиёдовнинг Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида шундай таклиф билан чиқиши одамларимизга далда бўлди. Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов «Мен бу фикрни юз фоиз қўллаб-қувватлайман», деган сўзларидан сўнг диллар ёришди.

Аҳоли билан кўплаб учрашувлар чоғида Шароф Рашидов хотираси жамғармаси раиси, журналист Акром Иномов бошчилигидаги гуруҳга унинг музейини ташкил қилиш, ҳайкалини тиклаш хусусида таклифлар тушди. Совхоз директори Шаҳобиддин Иброҳимов Рашидов бюстини яратган ҳайкалтарош Шапиро: «Унинг бюсти эритилиб юборилган бўлса керак» лекин мен қолипини яшириб қўйган эдим. Керак экан, яна ишлаб беришим мумкин» — деганини айтди.

Қурултойда биринчи бор масала қўйилганда гулдурос қарсаклар билан қаршилаган кишиларга, катта масъулиятни англаган ҳолда бу ишларни бошлаб берган жумҳурият ва вилоят раҳбарларига, Шароф ака маъракаларида қатнашганларга чин дилдан миннатдорчилигимизни билдирсангиз.

Уларнинг сўзларини тинглаб туриб, хўжаликда кўрганларим — меҳнат аҳли қилаётган саховатли ишлар кўламини, пахтачилик, боғдорчилик, чорва ва қурилиш ишларидаги шижоатлар яна кўз олдимга келди. «Жиззахликлар Рашидов қуёши нурлари остида яшайдилар», деган гапларни эслайман. Ваҳоланки, улар узоқ йиллар шу инсон номига доғ туширмаслик учун чўл бағрини яшнатишга жону танлари билан киришиб, меҳнат қилиб келдилар. Бу инкор этиб бўлмас ҳақиқат.

Маъмур НАЗАР,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Бозор иқтисодиёти йўлида*

«ДИЁР» ФИРМА ДЎКОНИГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТДА «ДИЁР» ФИРМА САВДО АКЦИОНЕРЛИК УЙИНИНГ ДАСТЛАБКИ ВАЛЮТА МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ. МАГАЗИН ҒАРБ УСЛУБИДА БЕЗАТИЛГАН БЎЛИБ, ПЕШТАХТАЛАРИДАГИ ТАҚЧИЛ МОЛЛАР КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИ.

Савдо уйининг муассислари бу воқеага асосли равишда тайёргарлик кўрдилар. Чунки муассисларнинг режаларига кўра фирма магазини ҳозирги вақтда ўтириб қолган «Березка» валюта магазини билан рақобат қилибгина қолмай, харидорларга хизмат қилишда сифат жиҳатидан янги поғонага чиқиши керак.

«Диёр» акциячилари орасида Ўзбекбирлашув, «Ўзкоопвнешторг» ташқи иқтисодий бирлашмаси, бир қанча вилоят матлубот уюшмалари, «Бидель трейдинг лтд» Сингапур—Афғон фирмаси каби қудратли ташкилотлар бор. Айтмоқчи, Сингапур—Афғон фирмасига болалигида ота-онаси билан Ўзбекистондан кетиб қолган ватандошимиз бошчилик қилмоқда.

Савдо уйида Америка долларига нималарни харид қилиш мумкин? Истаган нарсангиз топилади бу ерда. Устки кийим-кечакми, пойабзалми, спорт моллариими, жаҳондаги фирмалар ишлаб чиқарган видео ва аудиоаппаратларми — хоҳлаганингизни харид қилишингиз мумкин. Бунинг устига долларнинг сўмга нисбатан қиймати ҳисобга олинса, нархи ҳам унча қиммат эмас. Яна шуниси муҳимки, магазинда ўзимизда ишлаб чиқарилган, афсуски биз унутиб юборган маҳсулотлар сотувга чиқарилган. Ажойиб сопол идишлар, ўзбек диёрининг маҳсулотлари, винолар ана шулар жумласидандир.

— Бизнинг магазинимиз ўша анъанавий «Березка»дан нимаси билан фарқ қилади? — «Диёр» бош директори Ф. Ҳакимов шундай саволни ўртага қўяди ва ўзи жавоб қилади: — Биз тақсимлаш тизмаси асосида ишламаймиз. Ҳамма молларни бартер битимларига мувофиқ ёки валюта ва сўмга сотиб оламиз. Бу пулларни муассислар ўтказишган. Мижозлар ҳам рақобатчиларимизнинг мижозларига нисбатан ўзгачароқ бўлади: биз валютаси бўлган барча одамлар ва ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа боғлаб ишламоқдамиз. Валюта эгалари эса Тошкентда кўпайиб бораётган бошқа маҳсулотларга ҳам буюртма беришлари мумкин. Биз бу буюртмаларни қисқа муддатда келтириб берамиз!



«Диёр»нинг низомда кўрсатилган сармояси 40 миллион сўмдан кўпроқ ва яна 400 минг АҚШ доллари бор. Иш бошлаш учун бу озмунча пул эмас. Лекин сармоя фойда ҳам келтириши керак. Фойда нималар ҳисобидан келади?

Албатта, савдо харажатлари ҳисобидан бўлади. Лекин у кўп эмас. Аммо фойда келтирмаса тижорат ҳам бўлмайди. Муҳими эса бошқа томони.

— Биз валютаси бўлган республика саноат корхоналари ва бирлашмалари билан мустаҳкам алоқа боғлаб ишламоқчимиз, — деб давом этади Ф. Ҳакимов.— Маркетинг соҳасида тадқиқот ўтказдик. Жойларда одамлар валютани қандай тасарруф этишни билмасликлари маълум бўлди. Корхоналарнинг меҳнатчилари эса ҳозир холодильниклар, телевизорлар харид қилишга қодир эмаслар... Шу сабабли нақд пулсиз харид қилиш борасида мустаҳкам ҳамкорликни таклиф этмоқчимиз, бу бизга ҳам, меҳнат жамоаларига ҳам фойдали.

«Диёр» савдо уйи фақат тижорат фаолияти билан чекланиб қолмайди. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча кичик корхона ташкил этилган. Уларнинг вазифаси — саёҳат бизнеси, меҳмонхоналар қуриш, тамошалар ташкил этишдир.

Булар келгусидаги гаплар. Ҳозирча эса бу ерда қурилишларда ҳам, хонадонларда ҳам етишмаётган оддий михни ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштирилди.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

ҚЎШХАБАР

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР

САМАРҚАНД вилоят касаба уюшмалари кенгаши қошида ишбилармон аёллар ассоциацияси тузилди.

УНГА касаба уюшмалари вилоят кенгаши ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатаётган дам олишни ташкил этиш маркази муассис бўлдилар. Муассислар ассоциация жамғармасига бирваракайига 300 минг сўм ўтказишди.

Ассоциацияга 500 сўмдан 2000 сўмгача бўлган кириш бадалини тўлаган тадбиркор аёллар қабул қилинади. Бу уюшма ишбилармон хотинқизлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни, уларнинг фаолияти учун кенг имконият яратишни ўз вазифаси деб билади.

Қисқа вақт ичида унга икки мингга яқин самарқандлик тадбиркор аёллар бирлашишди.

ЗАҲАРЛИ КУЧАЛАР

САМАРҚАНДДАГИ геология бирлашмаси мутахассислари шаҳар табиати муҳофазасини акс эттирувчи картани яратдилар. Бу ишга бир ярим йил муқаддам қўл урилган эди. Афсуски, уни кўрган кишилар юрагини таскин эмас, балки қўрқув эгаллаши муқаррар. Чунки, бу картани яратиш чоғида маълум бўлишича, Самарқанднинг деярли барча кўчаларида заҳарли қўрғошин чанги нормадагидан анча кўп экан.

Бунинг асосий сабаби кўчаларнинг носозлиги ва тирлигидан дейишмоқда мутахассислар. Машиналардан чиқадиган турли газ моддалари ҳавога кўтарилмай аксарият ҳолларда кўча юзига, уйларнинг деворларига ўрнашиб қолар экан. Ҳозир шаҳар ҳокимияти Самарқанд ичида транспорт воситалари қатновини қандай қилиб камайтириш хусусида бош қотирмоқда.

М. МУҚИМОВ.

ТУРКИЯДАН — ТУРКИЯГАЧА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент бу ҳолни мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, чунончи, турли сиёсий «экспериментлар» туфайли нуфусининг ортиқ даражада қуроқлашиб кетгани билан изоҳлайди.

Собиқ юрт оғалари, Ўзбекистон бағрида юздан зиёд миллат вакиллари бир оила бўлиб яшайди, деб мақтайдиган «фазилат»имиз бугунги кунда соф миллий тараққийга халал бермоқда. Ҳар ҳолда, миллатлар сони кам ва фуқаро жипслиги мустаҳкам шароитда барча сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш осонроқ кўчади. Аксар нуфуси туб аҳолидан иборат мамлакатда ички ихтилофлар жараёни миллий ғоя чегарасидан чиқиб кетолмайди, табиийки, курашлар объекти бир қадар мавҳум бўлади, аксар ҳолларда эса, жунбушлар олови мамлакат ташидаги ғаним кучларга қарши қаратилган бўлади.

Президент Ислом Карим дастлабки кунларданоқ «фуқаро сулҳи» ғоясини олға сурди. Жумҳурият тақдири эски иқтисодий алоқаларга чамбарчас боғлиқ бўлиб турган пайтда бу шиор жуда ўринли эди. Ғоя вақт ўтгани сайин такомиллашиб борди ва охир-оқибат Ўзбекистон фуқаролиги хусусидаги қонунда юксак ифодасини топди. Бу Қонун — бўлажак Конституциянинг мўъжаз бир кўриниши, деб айтсак ҳам бўлади; миллий ғояга жуда мос келади, яъники юртимизда яшаб турган инсонлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул этишлари мумкин, акс ҳолда муҳожир ҳисобланадилар. Миллий ғояга мослик яна шундаки, замона зайли билан мусофирликка юз тутган ватандошлар яна қайтиб, ота юрт фуқаролигини қабул этишлари мумкин.

Фуқаролик хусусидаги қонуннинг яна бир жиҳати шуки, у мамлакат ичида истиқомат этаётган кишилар учун қўшимча фуқароликни назарда тутмайди ва худди шуниси билан давлат мустақиллигини қучайтиришга хизмат қилади. Айрим журъатсизроқ сиёсатчиларимиз таклиф қилган қўшалоқ фуқаролик давлатни заифлаштириб, зарур бўлганда вазиятни ич-ичидан портлатиб юбориш хавфини ҳам туғдирар эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқаролар тенг. Диний, ирқий, миллий камситишлар тамоман йўқолади. Фуқаро саодатмандлиги даражаси умумдавлат равнақи даражаси билан ўлчанади. Ўзбекистонни Ватан деб билган киши борки, унинг тараққийсидан бирдай манфаатдор бўлади. Бинобарин, фуқаро сулҳи ғояси эскириб, унинг ўрнига янада юксакроқ тушунча — ЯГОНА ВАТАН ғояси кун тартибига қўйилади.

Йўқ, биз салгина илгарилаб кетдик. Тавсиф этилмиш ҳолат — ҳозирча орзу. Аммо маърифатли жумҳурият қуришга бел боғлаган эканмиз, ана шу яхши аломатларни мўлжал этиб яшасак айб эмас.

Гапнинг рости, орзулар ушаладиган замонлар келди. Бир ўйлаб кўринг: Ўзбекистон давлатини бугунги кунда фалон қадар мамлакат тан олди, бошкентимизда фалон мамлакатнинг элчихонаси очилди, деган гаплар янгилик бўлмай қолди. Одатий ҳолга айланган бу муҳим расму русумлар куни кеча орзу эмасмиди?

Мустақиллик эълон этилган кунларни эслайлик. Ўзбекистон давлати ҳавода муаллақ осилиб тургандай эди. Бизни ҳам бирор барака топкур назарга иларми кан, дея юрак ютиб телевизионга кўз тикардик, радиога қулоқ тутардик. Айрим мухолифиятчи биродарларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ошиғич телеграмм юбориб, Ўзбекистон олимақом ташкилотга аъзо этилмасин, деб ўтиниб сўраганларидан ташвишга тушганимиз-чи? Бугун ўша ташвишларни кулиб эслаш мумкин. Ўтмиш билан кулиб хайрлашмоқда ҳам хосият кўп.

Маърифатли жумҳурият йўлига мойиллик, энг аввало, Туркия билан алоқаларнинг жонланишида намоён бўлди. Шундай бўлиши табиий эди. Бунга — бир тарафдан — туркийлик ғояси сабаб бўлса, иккинчи тарафдан Туркия етакчиларининг СССР парчаланиши оқибатида юзага келган вазиятни жуда тез баҳолаб, кучлар мувозанатини ўз давлатлари манфаатларига мослашга кушойиш қилганлари ҳам ёрдам берди. Туркия Жумҳурияти Ўзбекистон Республикасини биринчи бўлиб расман тан олди ва амалий кўмак бера бошлади.

Икки туркий давлатнинг ўзаро яқинлашувига тўсқинликлар ҳам бўлди. Улардан бирини — Туркия иқтисодий моделини камситиш тамойилини олдинроқ бир жойда эслатиб ўтдик. Ҳужумнинг иккинчи босқичи эса, гарчи соф маиший мавзуда эрсада, пишиқ-пухта ўйланган ва фуқаро норозилигини жунбушга келтиришни мўлжал этган эди. Ёдингизда бўлса, уч-тўрт ой аввал шаҳару қишлоқларимизда, турк аёллари бор-йўғини кўрсатиб юраркан, деган маҳобатар беадад урчиб кетган эди. Бу миш-мишлар қай тарафдан ва кимлар орқали келгани ҳақида гапирмасак ҳам бўлаверади. Аслини оладиган бўлсак, Истанбул кўчаларидаги манзара ўзимизнинг Тошкент манзараларига ўхшаш. Худо кўрсатмасин, сафар чоғларида хотин зотига ҳам назаримиз тушган пайтлар бўлган: очиқ юргани ҳам, ўраниб юргани ҳам бор, илло, яланғоч юргани йўқ.

Тўғриси, яланғоч хотинларни мақолага тиқиш унчалик ҳам одобдан эмас, аммо улар сиёсий ташвиқот учун асос этиб олинган экан, муносабат билдирмасликка ожизлик қилдик.

Туркия билан яқинлашув жараёнида санаб ўтилганлардан ташқари яна бир қанча жиддий муаммолар ҳам бор эдики, уларни тасаввур этиш учун харитани қўлга олиш керак. Ўзбекистоннинг жуғрофий ўрни қулай деб айтамиз. Агар уни савдосотиқ ёинки юк ташув йўли марказига қўядиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам юртимиз жуғрофий қулайликларга эга. Бундай қарашга, маълум даражада, тарихий нуқтаи назар, яъниким кўҳна Буюк Ипак йўли ёди ҳам сабабдир. Хорижга элтадиган ер усти йўлимиз яккаю ягона — афғон чегараси орқали. Ҳаво йўлига катта умидлар боғлаш — юк нархини янада оширмоқ демак. Ўзбекистон бойликлари беҳисоб деб айтарканмиз, аввало, бу бойликларни сотиш ва четдан мол келтириш ташвишини қилмасак бўлмайди.

Президент Ислом Карим Анқарада бўлганида Ўзбекистондан Туркманистон ва Эрон орқали ўтиб, кейин Анқарага етиб, ундан кейин Оврўпога қараб кетадиган йўл маслаҳатини қилганида кўпчилик ҳайратланган эди. Сиёсий манфаатлари Туркия сиёсий манфаатларига сезиларли даражада зид бўлган Эроннинг бу лойиҳага розилик бериши жуда қийинлиги туюларди. Аммо бу ерда иқтисодий манфаатлар анча устун келди — Рафсанжоний қатнашган Ашхобод учрашувида ўзаро розилик баён этилди.

Ислом Каримнинг Пекинга саёҳати пайтида Қозоғистон ва Шинжон-Уйғуристон орқали Пекин ва Шанхайга қадар темир йўл ўтказиш режаси муҳокама этилганида ортиқча ҳайрат уйғонгани йўқ. Аксинча, энди бу режа тарафдорлари кўпайиб, Буюк Ипак йўлини қайта тиритириш ғоясини ташвиқ этиш бошланди. Бу йўл ҳам Тажан-Серахс тарафга бурилиб, нариги ёғи Туркияга ва ундан кейин Оврўпога қараб кетажак. Агар Шанхай билан Оврўпонинг йирик марказларини ўзаро улайдиган йўл қурилса, Ўрта Осиё давлатларининг иқтисодий мустақилликлари равнақи учун буюк бир имконият туғилади. Шимолдаги йўллар бекилиб қолган тақдирда ҳам бемалол савдо-сотиқ қилаверсак бўлади.

Тиниб-тинчимас Сулаймон Дамираллнинг Қора денгиз соҳилидаги мамлакатлар, хусусан, Украина билан алоқаларни мустаҳкамлаётгани ҳам Ўзбекистон ва бошқа туркий давлатлар манфаатларига хизмат қилиши табиий. Сабабки, Одесса лиманн бугунги кунда туркий мамлакатларнинг ўзаро савдо-сотиғида асосий восита хизматини ўтаб турибди.

Темир йўл қурилиши режалари тузилгани, битимлар имзолангани яхши. Аммо бизни ташқи дунё билан боғлаши мумкин бўлган яна бир қулай йўл бор эдики, бу ҳақда жиддий сўз юритилмасди. Ўн йил тугал Шўроларнинг қурол-аслаҳа ва аскар ортган мошиналари қатнаган афғон йўлларидан мол-ашё ортган осойиш карвонлар юришини бир-икки йил авval тасаввур ҳам эта олмасдик. Президент Ислом Карим бу мавзуни заҳирада сақлаб юрди ва, ниҳоят, Покистон хукумати бошлиғи келганида муҳокамага қўйди. Фикр маъқул бўлди чоғи, бугунги кунда уч мамлакат вазирлари Исломободда кўришиб, росмана музокара олиб бормоқдалар. Ажабмаски, Покистон зиёрати чоғида уч давлат бошлиқлари ўзаро савдо-сотиқ йўлини қуриш хусусида аниқ бир битимга келсалар.

Афғонистон орқали ўтиши эҳтимол йўл Ўзбекистонни Қарочи лимани билан, бинобарин, уммон бўйидаги бошқа мамлакатлар билан боғлаши мумкин.

Режалари олинган савдо йўлларининг бирортаси ҳам йўловчисиз қолмайди. Демак, яқин йиллар ичида Ўрта Осиёда жуда йирик бозор майдони пайдо бўлмоғига умид боғласак арзийди.

Бир муддат олдин «Рашен» («Россия») дейилмаса, Ўзбекистон қайда жойлашганини биров билмасди. Ожиз қолган кезларимизда, азбаройи номус зўрлик қилиб, Самарқанду Бухоро номларини атардик. Бу муқаддас шаҳарларни эшитмаган кимса йўқ — дарров эслашарди. Эслашарди-ю, аммо бари бир «Рашен» дейишарди.

Россия ҳали талай вақт ташқи ва ички сиёсатимизга таъсир ўтказиб туриши тайин. Буни сусайтириш учун посангини ўнглаш чораларини ҳам кўриш зарур. Энг аввало, бизга яқин мусулмон давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш керак. Алоқаларни кучайтириш асносида, бу тарафдан бўлажак тазйиқлардан эҳтиёт бўлмаса бўлмайди — яна ўша гап: тенглик ва ҳалоллик, ички ишларга аралашмаслик. Турган гапки, Ўзбекистон қўшни мусулмон мамлакатлари билан яқинлашгани сайин Россия Ҳиндистон билан иноқлашиб боради, эҳтимолки, Шарқий Туркистонни рўкач қилиб, Хитой билан ҳам айрим соҳаларда тил бириктирса. Аммо, мустақиллик учун курашнинг энг самарали иқтисодий йўллари тутилса, сиёсий тазйиқлар тийилиши мумкин. Қолаверса, Қўшма Штатларнинг таъсир кучини ҳам унутмаслик керак. Гарчи икки тарафлама сиёсий муносабатларда ҳалига қадар таранглик мавжуд эрса-да, АҚШнинг Ўрта Осиё билан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ. Туркийлик ғоясининг исломий йўналишидан чўчиган ғарб давлатлари бизнинг Туркия билан яқинлашувимизга хайрихоҳлик билан қарамоқдалар. Қолаверса, ёш туркий давлатларга ёрдам беришнинг йўллари кўп. Жуда бўлмаганда, учинчи давлатлар орқали, дейлик, Исроил ёки бошқа бирор давлат орқали. Шундай саъй-ҳаракатлар борлиги сир эмас.

Хуллас, тушкунликка асос йўқ. Ҳар ҳолда, бугун Ўзбекистонимиз маърифатли тараққиёт йўлига тушиб олганига шубҳа этувчи кишилар оз қоляпти. Бунинг исботини юртимизга келаётган корчалонлар сони тобора ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Дарвоқе, ишбилармонлар орасида америкаликлар ҳам талайгина. Масалан, «Ньюмонт майнинг корпорейшн». Биз ахлат билиб ташлаб юбораётган чиқитлардан тилла ажратиб оладиган корхоналар қурилажак. Битим шартида бизнинг ҳиссамиз кўпроқ.

Бизнесчиларни мамлакатга жалб этишда юрт улуғларининг, биринчи навбатда Президент Ислом Каримнинг хизмати катта. Президент Ўзбекистон равнақига қатиқ ишонади, бу ишончни барчага юқтиришга ҳаракат қилади. Бу ўжар ишонч замирида юртини обод кўришга интизор етакчининг орзу-ҳавасигина эмас, иқтисодчи олим Ислом Каримнинг жиддий ҳисоб-китоблари ҳам турғани шубҳасиз. Дунёнинг қайси мамлакатига бормасин, расмий учрашувларда сипо юргани билан, неки бирор янгилик ва яхшилик кўрса, барчасини эслаб қолишга, кези келганда ўз юртида тадбиқ этишга уринади. Президентни яқиндан биладиган кишиларнинг гувоҳлик беришларича, Ислом Каримнинг чет элда кўп такрор этадиган саволи битта: «НЕГА БУ НАРСАЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЙЎҚ?»

Шу савол сабабдирки, Ислом Каримнинг кўп вақти қабул маросимлари кечадиган муҳташам саройларда эмас, турли ҳунармандлик устахоналарида, тўқув ва тикув фабрикаларида, зовутларнинг цехларида, бизнесчилар билан суҳбатларда ўтади.

Ислом Каримнинг мухолифлари ҳам тан олса арзийдиган хислати шуки, у қуруқ ва ҳавойи сўзларни ёқтирмайди. Мучали паланг (йўлбарс) экани сабабми, озгина ҳужумкорлиги ҳам бор. Аммо вазиятни тўғри баҳолашга, кези келганда — эски зардаларни унутиб, хатоларини тан олишга ҳам қодир. Президент тўғри сўзни яхши кўради, афсуски, тўғри сўз айтадиган мардлар кам.

Сиёсатчилар турли йўллар билан ном қозонадилар. Биров гапни жуда силлиқ, аммо дудмал қилиши билан, биров ўта қувлиги билан, яна кимдир ширинсуханлиги билан, бошқаси каттазанглик билан... хуллас, йўли кўп. Бизнингча, Ислом Карим чўрткесар ва тўғрисўз сиёсатчи бўлиб ёдда қолса ажабмас.

Фикримизга кейинги Истанбул учрашувларини далил этсак бўлади. Жаҳон Иқтисодий Анжуманида сўзлаган раҳбарларнинг баъзилари, олдинроқ эслатганимиздек, иқтисодий тангликдан чиқиш учун фалон миқдорда пул керак, деб айтса, баъзилар эса, бизда проблем йўқ, миллий низолар йўқ, газ кўп, нефт кўп, умуман камчилик йўқ, деган қабилида гапирдилар. Лекин Ислом Карим бунинг тескарисини тутди. Гап бошидаёқ Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи оғир эканини тан олди, миллий зиддиятлар ҳам борлигини эътироф этди. Биз эса бир чеккада, Президентимизнинг дангалчилиги золга йиғилган минглаб корчалонларни бездириб қўймасмикин, дея юрак ҳовучлаб ўтирдик. Бир маҳал қарабсизки, Президент Ўзбекистон билан ҳамкорликка даъват эта бошлади. Ёрдам беришга эмас, ҳамкорлик қилишга! Даъват бўлиб даъватга ҳам ўхшамайди. Пўё Ислом Карим жаҳанбий корчалонларга илтифот қилияпти-ю, лекин шартларини ҳам айтиб олишни раво кўряпти: «...бизга натижаси узоқ кутиладиган лойиҳалар эмас, нари борса, икки-уч йилда тайёр маҳсулот берадиган нақд лойиҳалар, унуми баланд ихчам корхоналар керак».

Ҳикоямизнинг бу қисми хушомадга ўхшаброқ кетиши мумкин, аммо «обрў сақлаб» гапиришда сир кўп экан— катта анжуман тугаб, Ислом Каримнинг ўзи алоҳида мажлис ўтказганида, кейинроқ эса, «Босфор» отелининг у қўнган махсус қаватида. Швейцария банкачиларидан тортиб, «Мерседес» фирмаси вакилларигача — тумонат корчалон Президент билан суҳбатлашиш учун навбатга турганларини эслаймаслик инсофдан бўлмас. Ўйлаб қаралса, Ислом Карим ўз қатъияти, борингки, сал бурунроқ эслатганимиз— келажакка ўжар ишончи билан энг катта сиёсатчиларни ҳам, энг зўр иқтисодчиларни ҳам ром этаркан.

Муҳтарам ўқувчимиз кейинги эътирофни ўқиб сўраши мумкинки, хўш, Президентимиз шахси бу қадар жозибали экан, у ҳолда мамлакат ичидаги мухолифият билан нега ўзаро тил топишолмайди?

Умуман, Ислом Карим ва мухолифият масаласи алоҳида бир мақолага мавзу этилса арзийди. Аммо биз бу катта мавзуга шу ернинг ўзидаёқ мухтасар дебоча очишни маъқул кўрдик.

Орадаги зиддиятларнинг тарихи бор. Президент мухолифиятга икки-уч бор ён берди, ҳатто сулҳ таклиф этди. Иккинчи тараф таклиф самимий эканига ишонмади. Зиддият давом этиб, ахийри шунга келдики, «миллий муроса ҳукумати» ҳақидаги гаплар чиқди. Президентнинг жавоби ҳаммага маълум: «Миллатимиз бўлиниб кетган эдимики, муроса ҳукумати тузилса!»

Тўғриси, бундан бир йилча олдин, ҳатто ярим йил олдин ҳам сулҳга умид боғласа бўларди. Энди ғишт қолипдан кўчди. Мухолифиятнинг ҳужумлари айрим ҳолларда одоб тугул, қонун доирасидан ҳам чиқиб кетгандай. Даҳанаки жанглар кўпайиб, бирорта ҳам жиддий ислоҳот олға сурилмаганидан кейин. Ислом Каримнинг мухолифиятга ҳурмати баттар «ошди». У ўз рақибларининг бошқарувчилик қобилиятига шубҳа билан қарай бошлади. Мазмуни жуда оддий: умрида бирор ишни қойил этмаган одамлар давлатни бошқариши мумкин эмас.

Бугунги кунда, мўъжиза юз бериб, Ислом Карим ярашувга мойиллик билдирганида ҳам мухолифият кўнмаган бўларди. Умуман, ярашув нияти мухолифият режасида йўқ. Бунинг сабаблари ҳам бир талай.

Биринчидан: мухолифият вакилларининг, мабодо самимий келишув содир бўлиб, битта-иккита вазирлик ёки бошқа мундайроқ мансаб қўлга кирганида ҳам, тузукроқ фаолият кўрсатиб кетмоқларига кўзлари етмайди, янада аниқроғи, улар Ислом Карим шахси соясида йўқолиб кетишдан чўчийдилар.

Иккинчидан: мухолифиятнинг бугунги кунга қадар орттирган барча нуфузи нуқул Президентни танқид қилиш, баъзи ҳолларда эса рўй-рост ҳақорат қилиш эвазига орттирилган. Ислом Каримни койишдан тўхтаган куни уларни биров танимай қолиши мумкин...

Учинчидан: сулҳга монеълик қиладиган яна бир нарса — снёсий худбинлик. Бирор жўяли таклиф билан расмий сиёсатга келиб қўшилишса ёинки Ислом Карим тутган сиёсатнинг бирор бандини маъқул топиб, у билан ҳамкорликка боришса, дарров «отдан тушиб» қолишади. Иззат-нафслат ейди. Бунда ҳам анчамунча синоат бор. Сабабки, мухолифият мавжуд ҳокимият билан ҳамкорлик қилган кишиларни жўнгина ва арзон қилиб «сотқинлар» деб аташга ўрганиб қолган. Нафрат деган нарса шу қадар кучлики, Ислом Карим учун миллатнинг саксон етти фоизи овоз бергани ҳам эсдан чиқиб кетади.

Хуллас, мухолифият олдида биттагина йўл бор — ҳокимият учун курашш. Илгари бу ниятни нуқул хаспўшлашарди, лекин ҳозир очиқ-ойдин намойиш этишмоқда.

Ҳар ҳолда, Ислом Карим вазият ривожининг ҳар қайси йўлига тайёр туриши лозим. Аммо, аввалги мақолада таъкид этганимиздек, бугунги салтанатнинг тақдири мухолифият иродасига эмас, бошланган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг қай даражада тез юришиб кетмоғига боғлиқ.

Жамиятда ҳокимият эгалари ва эгаликка даъвогар кишилар бўлиши табиий. Мухолифларга парво қилмаслик керак, деб айтсак хато бўлади. Аммо уларга керагидан ортиқ даражада эътибор бериш ҳам шарт эмасдай. Очиқ айтиш керак, Ислом Карим дастлабки пайтларда мухолифиятга хайрихоҳ қараб, ўзи уларнинг «пилигини кўтариб» қўйди. Мухолифиятга эса худди шу керак эди — Президент эътибори баҳонасида назарга тушиб олишди. Бу ёғи турли радиобаёнотлар, маржлислар, Москвага ва ҳатто Америкага бориб машварат қилишлар... хуллас, ҳамманинг ўзига яраша иш топилди. Президентни ҳам тушуниш мумкин, у ҳам инсон, икки-уч йилдан бери ўлиб-тирилиб ишлаяпман, халқим бирор рўшнолик кўрсин деб ўзимни ўтга-чўққа уряпман, наҳотки «бирлик»чи ёки «эрк»чи миллатдошларим шунча ишимдан лоақал биттасини ижобий дея тан олишмаса, деб куйиниши табиий. Аммо бу куйинишдан наф йўқ. Мухолифият буни бари бир тан олмайди. Акс ҳолда у мухолифият бўлмасди.

Курашлар мангу давом этади. Дунёда президентлардан ҳам, мухолифиятдан ҳам зўрроқ бир ҳақиқат борки, унинг номи — ЎЗБЕКИСТОН. Миллат ўғлонлари курашга талабгор бўлишдан аввал, менинг курашим юртимга омад келтирадими ёки офат келтирадими, деган саволга жавоб беришлари шарт. Айниқса — Ватан муросага маҳтал бўлиб турганида.

Бугунги тузум — барча фазилатлари ва қусурлари билан — бизнинг ўзимизники. Унинг нуқсонларини топиш ва ўнглаш, уни ўзгартириш ва мослаш иши ҳам — ўз қўлимизда. Муҳими — бу нозик ишга бировларни аралаштирмаслик. Ватанни маҳрам билмоқда ҳикмат кўп.

(Муаллиф қалам ҳақини «Халқ сўзи» обуна фондига ўтказишни илтимос қилади).

• Мустақиллигимиз зарварақлари

ЎТГАН КУНЛАР... ЎТИБ КЕТМАС

Мен бу кишини анча йиллардан буён танийман. Айримлар уни қаҳри қаттиқ прокурор дейишарди. Бошқалари эса ўз иши қолиб, адибликни даъво қилаётир, дея яниша рди. Мен эса... мудом серҳаракат, икки оғиз гапини айтиш учун вақт топиб, ўғли тенгилар олдига келадиган бу одамда алланечук бир сир бор деб ўйлардим. Балки ўшанда бундай хаёлга нечук борганимни ҳозир аниқ айтиб беролмасман. Лекин барибир уни сирли одамлар тоифасига қўшиб қўйганим аниқ. Балки унинг одам билан гаплаша туриб, кўзларининг тубида зуҳур этиб тургувчи изтироб менда шундай тасаввур уйғотдимикан? Ё бўлмаса, унинг ҳар гал ниманидир айтишга шайланиши-ю, лекин уни минг азоб билан бўғзида тутиб қолишини сезганим туфайли сир ислай бошладиммикан?

Шафқатсиз йиллар қувлашиб ўтаверди, у ҳамон сирли одамлигича қолаверди. Бир куни ўзимни қийнаб юрган ўйлар ана шу киши ҳузурида беихтиёр тилимга чиқди. Совет ҳокимиятидаги адолатсизликлар, бутун дунёда мустамлакачилик тугаганлигию, лекин шўрлик Ўрта Осиё халқлари ҳамон қарамлигича қолиб, ҳар куни «эркин, бахтиёр даврон» ҳақида қўшиқ айтаётганлигидан куйинниб гапирибман.

Шунда унинг кўзларига қараб қорачиқларидаги изтиробдан ҳайратга тушдим. У мени лол қолдириб, истилочилик сиёсати ҳақида сўзлай кетди.

Шу-шу озодлик, мустамлакачилик, шовинистлик мавзуларида гаплашадиган бўлиб қолдик. Бундан унча ҳайратланмасдим, чунки ўзини қадрлайдиган, оқ-қорани анчамунча ажратадиган ҳар бир ўзбек зиёлиси қандай тузумда яшаётганлигини яхши биларди. Лекин барибир Адҳам аканинг сири анчагача очилмай қолаверди...

Ниҳоят, бир воқеа сабаб бўлди-ю, у кишийнинг ҳаётлари ҳақида гап кетиб қолди ва Адҳам ака менга бир даста қўлёзма бердилар У ўзбекистонлик таниқли драматургга ёзилган мактуб экан. Бу мактубдан мен Адҳам аканинг оталари Музаффар мингбошининг Ҳамзани ўлдиришда айбланиб, сургун қилинганлиги, отасининг аммаси Худоёрхонга, ўзининг опаси эса Шермуҳаммадбекка хотин бўлганлигини билиб олдим. Сирли одамнинг сирларига қизиқишим янада ортди...

Унинг ота авлоди Порсин (кейинчалик Шоҳимардон деб аталган) зилзиласидан сўнг қишлоқни обод қилган ака-укалардан бири — Муроднинг қавмидан бўлади. Катта бобоси Қобил қози номи бутун Фарғона водийсига машҳур бўлган. Бобоси Муҳаммаджон 45 йил мингбоши лавозимида турган. Дадаси — Музаффаржон Муҳаммаджон ўғли аввал Қўқон, Марғилон, сўнгра Бухорода ўн йил, Истанбулда 3 йил таҳсил кўрган. Халқ уни мингбошиликка сайлаган.

Муҳтарам газетхон, балки гапни узоқ тарихдан бошлаганимизга ҳайрон бўларсиз. Ошиқмаслигингизни сўраймиз.

Вақти келиб, муқаддас юрт тупроғини босқинчилардан тозалашдек мардона кураш бошида турган Шермуҳаммадбек Шоҳимардондаги аҳли динни ўзига жалб қилиш мақсадида шу сўлим қишлоқдан уйланишга ният қилади. Саркардага Музаффар мингбошининг оиласи маъқул тушади ва унинг 13 ёшли қизи Карометхонга совчи кўяди. Кимсан, мусулмон динининг ҳимоячиси, ислом лашкари сардори, она юрти фидойиси Шермуҳаммадбек қизига совчи юборганда мингбоши йўқ дермиди!

Адҳам аканинг «сирли одамга айланишидаги кейинги воқеалар Ҳамза номи билан боғлиқ. Ҳамза Шоҳимардонга келгач, Музаффар мингбошини ўзига яқин олган. Чунки у замонасининг ўқимишли, маданиятли кишиларидан бўлган, билим даражасида Ҳамзадан кам бўлмаган. Яна икков бир пайтлар хориж сафарида бирга бўлишади. Лекин Ҳамзанинг хотин-қизларни зўрлаб «очтириш» учун бошлаган ҳаракати Музаффар мингбошига ёқмайди ва Адҳам аканинг тахминларича ораларидаги ихтилоф шундан бошланади.

Ҳамзанинг ўлимидан сўнг Музаффар мингбоши оиласи Фарғонадан бадарға этилади. Ўшанда Адҳам тўрт яшар бола эди, кўп нарсани билмасди, лекин ақлини танигани сари воқеалар ойдинлашиб бораверди.

Оила узоқ йиллар она қишлоқдан олисда яшашга мажбур бўлди. Аввал Бишкек, сўнг Жалолобод... 1937 йил «қама-қама»ларидан юрак олдирган Музаффар мингбоши хасталикка чалиниб, 1938 йили вафот этди

Мингбоши ўлимидан олдин уйидаги араб ҳарфларда ёзилган китобларнинг ҳаммасини ёқтиради. Гарчи у бор мол-мулкидан ажралган бўлса-да, қаёққа кўчмасин, китобларини асраб-авайлаб олиб кетганди. Ўшанда ўн уч ёшга тўлган Адҳамнинг кўз ўнгида аясига китобларни ёндиришни буюргач, отасининг юм-юм йиғлагани-ю, улкан голланд печида олтин суви югуртирилган Навоий «Хамса»сининг «ов-воҳ» чекқандай, чирсиллаб ёнгани муҳрланиб қолди.

Раҳматли отаси ўзидан кейин болаларининг азобга қолмасликларини ўйлаб, жонидан азиз китобларни ўтга ташлаттирган экан. Лекин барибир у ўз ҳаёти фарзандлари умрига таҳдид солиши хавфининг олдини ола билмади. Ола билмасди ҳам. Чунки инсон чумолича қадрланмайдиган жаҳолатли тузумда одамнинг ишига эмас, аксинча отаси ким бўлган-у, холаси ким, поччаси ким ўтгану, амакиси кимлигига аҳамият беришарди.

Фақат отанинг эмас, опанинг ўтмиши ҳам Адҳам Музаффар ўғлини 40 йил давомида «Коммунистик партия ва Совет давлати учун ишончга молик эмас шахс»га айлантирди. Гарчи урушда партия сафига кирган бўлса-да!

— Нега таржимаи ҳолингизда ўтмишингизни яширдингиз?

— Нимани яширибман?

— Ўзингизни гўлликка олманг! Нега отангиз, поччангиз ҳақида ёзмагансиз?

— Мана, ёзганман-ку!

— Ёзиш бундай бўлмайди. Билмасангиз, ёзинг, мен айтиб тураман!»

— Нима, ўзбек шоири? Улуғи қани? Буниси нимаси? Шермуҳаммадбек? Сиз совет ҳокимияти душманлари бўлган қариндошларингиз тарафидамисиз ҳалигача? Бунақада сизга совет органларида жой йўқ!

— Қандай ёзай, бўлмаса?

— Ёзинг: отам — Музаффар мингбоши — чор Россиясининг амалдори, 1929 йили улуғ ўзбек шоири, демократ Ҳамзани ўлдиришни ташкил этганлардан бири, опам Каромат босмачилар ҳаракатининг қўмондони Кўршерматнинг хотини... Ҳм-м, Шермуҳаммадбек эмиш-а! Душманни бунча ҳурматлайсиз?!»

Қалам қалтирайди, юрак титрайди, қоғоз оғриқдан «оҳ» чекаверади. Адҳам ёзганларига қараёлмайди, кўз ўнги қоронғулашиб кетаверади. Умри давомида қалам қанча қалтирамади, юрак қанча титрамади, бора-бора қўли кўникиб қолди. лекин юрак қурғур ҳеч кўникмасди. Бўлмаса, у шунча воқеалардан сўнг ҳам совет давлати адолатига ишонди, қўлига қурол олиб. Иккинчи жаҳон урушида шу ҳукуматни ҳимоя қилди, оғир яраланди.

Урушдан қайтди-ю, унга яна ўтмишини эслатиб қўйишди. У она юртига боролмай, Хўжандга келди. 1946 йили Москвадаги ҳуқуқшунослик институтига ўқишга кирди. Катта акаси Кўлоб тарафларда эди. Уни орқа қилиб Кўлобга йўл олди. Уч йил Пархорда ишлади. Кейин яна Хўжандга қайтди. Урушдан кейин 1985 йилгача ҳуқуқ органларида ишлади. Орада «Сен фалончининг ўғли, фалончининг қайниси» дея бирикки йил ишдан бўшатишди. Лекин ўз ишига усталигими, билимими, ёки айрим яхши одамларнинг шарофати туфайлими тағин ишга чақириб олишди.

1952 йили акасини фирқадан ўчиришгач, бу ҳақда Хўжандга хабар юборишди. Ўшанда прокурор ёрдамчиси бўлиб ишлаётган ёш ва серғайрат Адҳамни ҳам, партиядан ўчириб, ишдан бўшатишмоқчи бўлишди. Уни уруш қатнашчиси бўлганлиги асраб қолди — ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қатъий ҳайфсан беришди...

У уйга шалвираганча қайтди-ю, ўйланди. Отаси кўз ўнгида пайдо бўлиб, гоҳ «Фарҳод ва Ширин»дан, гоҳ «Садди Искандарий»дан сўзлаганда юраги бироз таскин топди. Лекин Навоийнинг олтин суви югуртирилган бебаҳо «Хамса»сини ўтга ташлашни буюриб отаси тўлиб-тўлиб йиғлаганда кўксини бир нима ғижимлаб. олди. Шунда раҳматли отасининг тақдири ҳақида ўйлаб кетди. Ҳамзанинг ўлимидан сўнг у билан бирга айбланган кишилар, жумладан, Ҳамроқул мингбошини ўйлади. Бу вақтга келиб, у Ҳамроқул мингбоши эмас, Қовунчидаги Каганович номли (кейинчалик «Қизил Юлдуз») колхозининг уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов эди. Адҳам ҳақиқат излаб Қовунчига йўл олди. Ҳамроқул раисга отаси икковларининг бир хил модда билан айбланганликлари, лекин нега ҳанузгача раҳматли падари бузруквори тугул, ўзини ҳам айблашаётгани, камситишаётганини айтмоқчи бўлди. «Ўшанда тўғри қилишган», деди раис ва унинг гапларини ортиқ эшитмади...

— Мен аламим ичимда қайтавердим. Кейинчалик турли ҳужжатлар,китоблар, хотираларни ўрганиб, Ҳамза устидан 108 киши ариза ёзганлигини, уни Ҳамроқул мингбоши уюштирганлигини билиб олдим. Неделин деган генерал ўз китобида Ҳамроқул мингбоши давлат хавфсизлиги маҳкамасига хизмат қилганлигини айтади. Айни пайтда Турсунқуловнинг юрт халаскорлари— «босмачи»ларга хизмат қилгани ҳақида ҳам гаплар бор. Кези келганда айтай, мен Ҳамзанинг ҳам ўша хавфсизлик маҳкамасига хизмат қилганлигига ишонаман. Менимча, унинг хизмати ортиқ керак бўлмай қолгач, Ҳакимзодани Шоҳимардонга «даволаниш» учун юборишган. У бўлса, даволаниш ўрнига дин таъсири ўта кучли қишлоқда сиёсий кураш бошлаган ва бунинг оқибати ҳаммага маълум. Бу менинг ўз фикрим, лекин хато қилсам, минг бор узр сўрашга тайёрман, — дейди Адҳам ака.

Давлат хавфсизлик хизмати идорасининг хуфиёна ишларига ўз вазифасини ижро этиш давомида Адҳам ака жуда кўп дуч келди. КГБ кўпроқ уйида арабча китоб сақлаганларни, эскича дарс бераётган домлаларни тутиб келар ва прокуратурага улар устидан жиноий иш қўзғашни буюрарди. 60-йилларда Адҳам ака жумҳурият прокуратурасининг Хўжанддаги масъул вакили бўлиб ишларди. Шаҳар яқинидаги Унжи қишлоғида яшайдиган, урушда бир оёғидан ажралган киши 10-12 болага диний сабоқ бераркан. У ҳақда маълумот тушгач, КГБ бориб ушлайди. Лекин ҳадеганда Хўжанд тумани прокурори санкция беравермайди. КГБ ходимлари эса Адҳам Музаффаров — жумҳурият вакилининг олдига келаверишади. Санкция бермагунча қўймайди. Ўша бечорани уч йилга қамашади. Болаларга имон, диёнат, инсоф, адолатни ўргатмоқчи бўлган бир олижаноб инсон имонсизлик ва диёнатсизлик, инсофсизлик ва адолатсизлик қурбони бўлади.

Шундай «қама-қама»лар, душман излашлар натижасида «қўлга олинган» «зарарли диний китоблар» йўқ қилинарди. Адҳам ака оёқ остида эзилиб ётган азиз китобларни билдирмай олар ва уйига олиб кетарди. Лекин айнан шу китобдўстлиги туфайли ҳам вақти келиб балога қолди. 80-йиллар бошида унинг устидан ёзилган «юмалоқ хат»да Ҳамза қотилининг ўғли, Кўршерматнинг қайниси уйида ғаразли мақсадда диний китоблар сақланаётганлиги ҳам айтилганди. Текшир-текширдан сўнг Адҳам ака Жалолободдаги голланд печида ёнаётган Алишер Навоий китобларини ўртаниб эслаб, йиллар давомида тўплаб, асраган хазинаси — юздан ортиқ китобни жумҳурият Фанлар академиясига юборди... Энди эса, ҳозиргача «юмалоқ хат» «ижодкори»ни ва Душанбедан эринмай текширишга келган марказқўм бўлим мудири муовинини бир сўкса, ўзидан икки ранжийди.

— Э, бу КГБ деганлари мени бир умр таъқиб этди. Ростини айтайми, мен бу маҳкамадан жирканардим ва чўчирдим. Бирда рус ҳамкасбимиз тожик ва ўзбек терговчиларини рус тилида ҳужжат тўлдиришдаги хатолари учун саводсизликда айблайверди. Ахийри, ёрилиб кетдим: ўзинг шунча йил Тожикистонда яшаб, тожикча билмайсан-у, буларни русчадаги озгина хатолари учун турткилайверасанми, дедим, Кўп ўтмай, КГБга чақиришди...

— Шунча йил ҳуқуқ соҳасида ишлаб қонунсизлик ҳақида нега гапирасиз, — сўрайман Адҳам акадан.

— Биласизми, гарчи мен қонун асосида иш кўрган бўлсам-да, кўпгина моддалар қаттиқ азоб берарди. Ҳамза ўлимидан сўнг отамларни жазолашди. Кейинчалик ҳужжатларни кўрсам, умуман ўша модда йўғакан. Мен 1933 йилдан ўғирлик учун ҳатто ўлим жазосигача ҳукм қилиш, 1947 йилдаги давлат ва жамоат мулкини ўғирлаганлиги учун 25 йилгача қамаш ҳақидаги фармонлар туфайли арзимаган мевани ейиш учун олиб, авахтада тиқилганларга ачинаман...

Музаффаров яхши ишларди. Жиноятчиликка қарши ҳалол ва аёвсиз курашарди. Лекин ҳар гал ҳукумат мукофотларига келганида уни четлатишарди. Қимматбаҳо буюмлар билан тақдирлашарди, лекин аслида унга берилиши зарур орден-медаллар бошқалар кўксига тақиларди. У темир нишонларга ўч ҳам, зор ҳам эмасди. Фақатгина ўзига бildирилган навбатдаги ишончсизликдан гоҳ куйиб, гоҳ куларди.

Гарчи оёғида оғир жароҳатлар бўлса-да, унга уруш ногирони гувоҳномасини йиллар давомида судраб, ўтган ой беришди.

Жумҳуриятимиз «қизил империя» асоратидан қутулгач, Адҳам ака очилиб-сочилиб гапирадиган бўлиб қолдилар. Лекин ҳозир яна ташвишлари ортган. «Биласизми, мен одамларимизда сиёсий маданиятнинг пастлигидан куйинаман. Фитратлар аср бошларида тушунган гапларни биз ҳамон тушунмаяпмиз. Ишонинг, менга бир бурда нон ва бир пиёла сув бўлса, бас. Моддий эзилишга чидаса бўлар-у, лекин маънавий эзилишга чидаш қийин»..

Бу гапларни менга етмишни қоралаган, бошидан жуда кўп уқубатларни ўтказган, 1942 йилда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ини Фарғонадаги полк мактабида бир неча кун ёддан айтиб берган ва айни пайтда ноҳақ қамалаётганлар судида, терговида қатнашиб азобланган, ўзи бир неча қисса ва ҳикоялар ижод қилган ва умрининг анча қисмини таржимаи ҳолини қайта-қайта ёзишга сарфлаган Музаффар мингбошининг кенжатой ўғли Адҳам ака айтмоқда. У раҳматли отасининг шунча билими билан Жалолободдаги ветеринария станциясида сантехник бўлиб ишлагани, айрим одамларнинг Шермуҳаммадбекни ҳамон босмачи деб атаётганликларидан куйиниб сўзлайди. «Сирли одам» сўзлайди-ю, мен ўйлайман, вақт ҳар нарсанинг давоси дейишади, лекин ўтган кунларнинг буткул ўтиб кетиши қийин экан. Қийин экан...

Уринбой УСМОН,
Хўжанд.

КЎЧМА КЎРГАЗМА

Туркистоннинг чор босқинчилари томонидан забт этилиши, фуқаролар уруши, миллий озодлик, жамоалаштириш ҳаракатлари тўғрисида узоқ вақт бир ёқлама қарашлар устунлик қилди. Энди тарихни сунъийлаштириш даври ўтди. Ўзбекистон тарихи музейида ташкил этилаётган кўргазмаларда илгари йўл қўйилган шу каби нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қилдик.

Туркистоннинг забт этилиши, миллий бойликларимизнинг талон-торож қилиниши, халқ бошига тушган зулм ва истибдодлар ушбу кўргазмаларда ҳаққоний аксини топмоқда. Уларни илмий жиҳатдан асослаш ишлари ҳам ниҳояланиб қолди. Булардан ташқари, музейда мустақиллик қўлга киритилган кундан то шу бугунгача бўлган даврни ўз ичига олган «Ўзбекистон истиқлоли» мавзуида кўчма кўргазма ташкил этилмоқда. Унда мустақилликка эришилгандан кейинги, ички, ташқи, иқтисодий, сиёсий соҳалардаги ишлар кенг ёритилган. Халқ манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган қарор ва фармонлар шарҳига кенг ўрин берилган.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги 120 дан ортиқ хорижий давлатлар томонидан тан олинди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Ўзбекистонда Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Хитой,. Германия, Франция давлатлари элчихоналари очилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегациясининг Туркияда, Хитойда, Финляндияда, Саудия Арабистонида, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия сингари қатор давлатларда бўлишига оид, у ерда олиб борилган икки томонлама музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар кўргазмадан жой олмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Туркия давлатидир. Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Дамирал Ўзбекистонда бўлганида икки давлат ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда кўплаб шартномалар имзоланганлиги, Жанубий Корея республикасининг Дэу фирмаси раҳбарларининг республикамизнинг Андижон вилоятида бўлиши, Ғарбий Германиянинг «Мерседес Бенс» фирмаси директорининг Хоразмга ташрифи каби ижтимоий-иқтисодий мавзуларга оид масалаларни ҳам кўргазма ўз қамровига олган.

Кўргазмамизда Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик давлатлари билан биргаликда олиб бораётган кенг миқёсдаги фаолиятига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви, унинг аҳамияти, Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Беларусь ва бошқа республикалар билан тузилган турли соҳалардаги шартномалар ҳам ўз аксини топган.

Кўргазманинг фан ва маданият бўлимида, республикамиз илм-фанини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, миллий маданиятимизни янада такомиллаштириш йўлида қўйилаётган дадил қадамлар, янгидан ташкил этилаётган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, лицейлар, коллежлар, ихтисослашган мактаблар фаолиятига оид ишларни кенг ёритишга имкон берилган.

А. ҚИРҒИЗБОЕВ,
Ўзбекистон тарих музейи илмий ходими.

ҲОКИМ ЖАМҒАРМАСИ

ТЎРТКЎЛ райони ҳокимининг ташаббуси билан ҳоким жамғармаси ташкил этилди. Мақсад, районда ҳар хил тадбирлар ўтказиш, моддий ёрдамга муҳтож кишилар ва оилаларга кўмак бериш.

Яқинда Афғонистонда ҳалок бўлган тўрткўллик йигитлар хотирасига бағишлаб пахта тозалаш заводи чойхонасида ош берилди. Марҳумлар руҳига қуръон ўқиб тиловат қилинди.

Ҳокимият мутасаддилари шу кунларда етим-есир, яшаш шароити ночор оилалар учун умумий суннат тўйини ўтказишга тараддуд кўрмоқдалар.

М. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Юрак-юракларим симиллаб оғрир,
Хаёллар чорлайди тоғу тошларга.
Паноҳига олган дала ва тоғдир,
Ва савдо тушганда азиз бошларга.
Ернинг ноласими, кўкнинг армони,
Ё малак тўккан кўз ёшларимикин.
Менинг юрагимнинг кетмас сарбони
Қисмат йўлларининг тошларимикин...
Оҳ, тоғлар чорлагин мудом бағрингга.

И. ПОРТНОВ сурат лавҳаси.

• СПОРТ •

Barcelona'92

ТАВАККАЛ ЭМАС, ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР

БУГУН бокс мусобақаларида иккита ярим финал, иккита финал учрашуви бўлади. Кеча чарм қўлқоп усталари дам олишди. Ўтган куни рингга чиққан Олег Николаев (63 кг, Магадан) Гертер Венент (Куба)га имконятни бой бериб, совринли ўринлар учун курашиш бахтидан маҳрум бўлди. Олегнинг ярим финалга етиб келолмагани ягона ҳол эмас. Унинг 9 командадоши ҳам боши ҳам ҳолда рингни тарк этишди. Бу МДҲ боксчилари олимпиадага керагича тайёргарлик кўрмаганликлари, техник маҳоратларини оширмаганликлари, рақиб маҳоратига тўғри баҳо бермаганликлари оқибати эмасмикин? Фавқулодда ҳодиса зора МДҲ мамлакатлари спорт қўмиталари бокс федерациялари мутахассисларига сабоқ бўлса?

Камондан отиш баҳси ҳам кескин ўтди. Бу турда Испания, Финляндия, Хитой, Германия мерганлари олтин медалга даъвогарлик қилишди. 162 очко жамғарган мезбонлар олтин, 154 очко билан хитойлик мерганлар кумуш медаль совриндори бўлишди.

Штангани (оғир вазн) даст кўтариш мусобақасида Э. Агуэра (Куба), М. Нерренгер (Германия), Ким Тай Юн (Хитой), А. Ояди (Нигерия), Л. Тараненко, А. Курлович (МДҲ) сингари жаҳоннинг энг машҳур оғир атлетикачилари қатнашишди. Э. Агуэра аввалига 175 кг, сўнгра 182,5 килограммни, немис спортчиси 180 кг, Л. Тараненко 187,5 кг натижа кўрсатишди. Корея спортчисига уч уринишда ҳам ўзи буюртма берган оғирликни забт этиш насиб этмади. А. Ояди эса 180 кгни даст кўтарганча ушлаб туролмай, майдончани айланиб, сўнгра ташлаб юборишга мажбур бўлди. Ҳакамлар у қанчалик узоқ кўтариб турган бўлмасин, ҳисобга олишмади. Тўрт марта жаҳон чемпиони белоруслик А. Курловичнинг жасорати томошабину ишқибозларни лол қолдирди. У 195, 200, 205 кг. оғирликни бамайлихотир забт этди.

• ОБУНА-93 •

Қадрли муштарийлар!

1993 йил учун газета ва журналларга обуна бошланди. «Халқ сўзи» газетаси учун ҳам обуна барча алоқа бўлимларида 1 августдан бошлаб қабул қилинмоқда.

Шу боис барча муштарийларга, ҳокимликлар, идора ва муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига, клуб ва кутубхоналар мудирларига, Ўзбекистон халқ депутатлари ва барча тоифадаги депутатларга мурожаат қилиб, улардан ана шу муҳим сиёсий маъракада фаол қатнашишларини, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг ҳафтада беш марта нашр этиладиган газеталари — «Халқ сўзига» обуна бўлишлари ҳамда обунани жойларда ташкил қилиш ва ўтказишга ёрдам беришларини сўраймиз.

Сиз фақат «Халқ сўзи» газетаси орқали:

— Олий Кенгашнинг Қонун ва қарорлари;

— Ўзбекистон Президентининг фармонлари;

— Республика ҳукуматининг қарорларию режалари;

— иқтисодиёт янгиликларию, сиёсатда юз бераётган ўзгаришлар, миллий маданиятимиз бойликлари;

— халқаро ва ташқи сиёсатда вужудга келаётган қулоқ эшитмагану кўз кўрмаган имкониятлар билан;

хуллас, барча соҳалардаги янги ва янги хабарлар билан мунтазам танишиб бориш имкониятига эга бўласиз!

«ХАЛҚ СЎЗИ» СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗДИР!

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЛАР!

Қадрдон газетангиз — «Халқ сўзи»га обуна бўлишга шошилинг! Фақат обуна орқали Сиз газетамизнинг ҳамма сонини олиб ўқишингиз мумкин!

Газетамиз билан мунтазам танишиб боришда Сиз учун ягона ва қулай йўл — бу обунадир!

Шундай қилиб, газетамизнинг обуна баҳосини эслатамиз:

— бир йил учун — 390 сўм;
— ярим йил учун — 195 сўм;
— уч ой учун — 97 сўму 50 тийин;
— бир ойга эса — 32 сўму 50 тийин.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди. 21.00. № Г—298 тираж 25376. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12